ПАХТАКОР! Августнинг ҳар бир куни ғанимат ● *Ҳосилга ҳосил қўш* ● *Ғўзани чан-қатиб қўйма* ● Қатор ораларида бегона ўт қолмасин ● ПАХТАНИ МАШИНА БИЛАН ТЕРИБ ОЛИШГА ТАЙЁРГАРЛИКНИ КУЧАЙТИР!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 ИЛ ЧИҚИШИ

№ 153 (3635).

5 АВГУСТ ШАНБА 1967 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ОРДЕНЛИ ИНСТИТУТ



Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш илмий-текшириш институти Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланганлиги ҳақидаги хушхабар дилларни хушнуд қилди. Шу муносабат билан институт маъмурияти номига Ватанимизнинг турли чеккаларидан жуда кўп табрик телеграммалари олинди. Москва, Ленинград, Душанба, Самарқанд, Глухова ва бошқа шаҳарлардан юборилган телеграммаларда олимлар, конструкторлар, илмий-текшириш муассасалари институтнинг ижодий коллективига чин қалбдан муваффақият тилашган.

Ўтган куни Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш илмий-текшириш институтининг маданият ва истироҳат боғи одатдан ташқари гавжум бўлиб кетди. Бу ер ҳақиқий байрам тусини олган. Шиор ва плакатларда, жадвал ва диаграммаларда институт қўлга киритган ютуқлар кўрсатилган. Бу ерга институт коллективини юксак орден билан табриклаш учун республикамизнинг партия, хўжалик раҳбарлари, қўшни шаҳар ва қишлоқлардан жуда кўп инженер-техниклар, колхозчилар, илмий ходимлар келишган. Улар орасида Ленин мукофотининг лауреатлари Пётр Фёдорович Глазатов, Турсуной Охунова. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Мустафо Чачи, Валентин Тюпко ва бошқа донгдор кишилар ҳам бор эди.

Институтга Меҳнат Қизил Байроқ ордени топшириш маросими Янгийўл район партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ **А. Алимов** қисқача кирш нутқи билан очди. Область ижроия комитетининг раиси Ўртоқ **Э. Шайхов** Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш илмий-текшириш институтини Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлаш ҳақидаги СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини ўқиб беради.

Шундан кейин СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ **Ё. С. Насриддинова** йиғилиш қатнашчиларининг гулдурос қарсаклари остида ордени институтнинг байроғига қадайди. Ўртоқ Ё. С. Насриддинова СССР Олий Совети Президиуми, республика партия ва ҳукумати номидан институт коллективини юксак мукофот билан табриклайди.

Институтнинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланиши институт коллективининг партия, халқ, Ватан олдидаги катта хизматларига берилган юксак баҳодир. Институт пахтачилик механизацияси ва агротехникасининг кичкинагина станцияси базасида ташкил этилган эди. Шунга қарамай, институт қисқа вақт ичида мамлакатимиздаги йирик илмий-текшириш муассасаларидан бирига айланди. Коллектив пахтачиликни механизациялаштиришда катта ишларни амалга оширди. Деҳқонларнинг меҳнатини енгиллаштиришдек улуғвор ишга муносиб ҳисса қўшилди. Эндиликда институтда тўқизта илмий бўлим бор. Бу бўлимлар 25 та лабораторияга эга. Лабораторияларда 108 илмий ходим, шу жумладан 24 фан кандидати ишлаб турибди.

Институт ходимлари қишлоқ хўжалигида янги технологияни жорий қилишда, турли хилдаги машиналардан фойдаланишда катта ишларни амалга оширмоқдалар. Фақат сўнгги беш йил ичида институт ходимлари томонидан 35 дан ортиқ йирик тадбир ишлаб чиқилди ва жорий қилиш юзасидан тавсиялар берилди. Институт ходимлари пахтачилик машиналарини доимо такомиллаштириб бормоқдалар. Ҳозирги вақтда улар кенг қаторли пахта териш машиналари технологиясини яхшилаш, луб экинларини парвариш қиладиган машиналар ишлаб чиқариш устида самарали иш олиб бормоқдалар.

Сўзсиз, буларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиради, уларнинг таннархини арзонлаштиради. Илмий ходимлар тез-тез колхоз ва совхозларда бўлишади. Ўрта Осиё республикаларининг турли районлари билан яқиндан алоқа боғлаб, фан ва техника соҳасидаги эришилган ютуқлар кенг оммалаштирилмоқда. Турли хил темаларда лекция ва семинарлар ўтказиб турилибди. Институтнинг мақташга арзийдиган жуда кўп бошқа ишлари ҳам бор. Шунинг учун ҳам бу ерга чет эллардан тез-тез делегатлар келиб, институт ходимлари томонидан амалга оширилаётган ишларни ўрганиб кетишмоқда...

Йиғилишда Ленин мукофоти лауреатлари **Т. Охунова, П. Глазатов**, Янгийўл районидаги Назарали Ниёзов номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Ф. Мадалиев**, республика қишлоқ хўжалиги министрининг ўринбосари **О. Ҳакимов**, СоюзНИХИ директорининг ўринбосари **Т. Зокиров** ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, ажойиб совет машиналари яратаётган конструктор ихтирочи, инженер ва техникларни орден билан табриклашди.

— Юксак мукофот,— дейди институтнинг кекса ишчиси ўртоқ **Т. Эшонқулов**,— коллективимизни ғоят руҳлантириб юборди. Биз юбилей йилида самарали меҳнат қилиб, қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялашни тағин ҳам ривожлантириш учун бутун куч ва ғайратимизни аямаймиз.

Институтнинг бошқа ходимлари ҳам сўзга чиқиб, бундан буён ҳам изланишни қизғин давом эттирамиз, деб йиғилиш қатнашчиларини ишонтирдилар.

Йиғилиш қатнашчилари зўр кўтаринки руҳ билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номига мактуб қабул қилдилар.

Йиғилишда Тошкент область партия комитетининг секретари **Х. Р. Мусахонова** иштирок этди.

Суратда: СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ Ё. С. Насриддинова институт байроғига орден тақмоқда.

А. Абалян фотоси.

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

КАТТА РАҲМАТ

Свердловск темир йўли граждан иншоотлари дистанцияси бинокорлари Тошкентни қайта тиклаш умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшдилар. Уралдан келиб бу ерда ишлаган 48 қурувчи меҳнатда ажойиб намуналар кўрсатишди. Улар 25 та кўпқаватли уй-жой биносини қайта тикладилар ва ремонтдан чиқардилар. Уларнинг умумий сатҳи 5300 квадрат метрни ташкил этади.

Тошкент темир йўли бўлинмасида хизмат қилаётган меҳнаткашлар оилалари ана шу уйларга кўчиб киришар экан, свердловсклик бинокорлардан беҳад ҳурсанд бўлдилар, уларга катта раҳмат айтдилар.

А. ПАШКОВА.

ПАЙКАЛЛАР ЖАМОЛИ

Шу кунларда дала кезиш, «оқ олтин» етиштирилаётган пайкалларни оралаб, шиғил-шиғил кўсакларни бирма-бир санаб кўриш кишига ажиб завқ бағишлайди. Бир ёқда бетиним гувиллаб ишлаётган тракторларни, бир ёқда эгатларга чилла сувни тараётган азамат деҳқонларни кўрасиз.

Биз Оққўрғондаги Войтинцев номли колхоз далаларини айланиб юриб, бир сувчи билан гаплашиб қолдик. У ўзини «Тожибой Аширматов» деб таништирди. Бироз уёқ-буёқдан гаплашиб ўтирганимиздан кейин Тожибой ака ўзи ва звено аъзолари нима ишлар қилаётганликлари тўғрисида сўзлади. Маълум бўлишича, Т. Аширматов бошлиқ комплекс механизациялаштирилган звено деҳқонлари бу йил 65 гектар майдонда «оқ олтин» етиштиришаётган экан. Ҳозирга қадар ғўза тупларида тўпланган кўсак, гул ва шоналар улар мўлжаллаётган баракали хирмон бўлишидан дарак бериб турибди. Тожибой аканинг ҳамкасбларидан Оқбой Алимқулов, Султон Аширматов ўртоқлар ҳам ғўзани чилла сувига қондиришда ниҳоятда усталик қилишмоқда.

Колхознинг бошқа бир қанча илғор звеноларида мўл ҳосил учун олиб борилаётган қизғин кураш ҳам бизни қувонтирди.

С. МУСТАФОЕВ, М. ҒОЗИҚУЛОВА.

ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

Юбилей йилининг тантанали кунлари тобора яқинлашиб келмоқда. Бу улуғвор кунларни меҳнат зафарлари билан кутиб олишга бел боғлаган дала гвардиячилари — механизаторлар, фидокор колхозчилар мўл ҳосил етиштириш учун зўр маҳорат билан ишламоқдалар.

Бултур ака-ука Пардақул ва Худойберди Умматовлар Янгийўл районидаги «Қизил Октябрь» колхозида донг чиқарган эдилар. Бу азамат механизаторлар ўзлари бошлиқ бўлган звеноларда йиллик планни 11 иш кунида бажариб пешқадамлик қилган эдилар. Ака-укалар бу йил ҳам ҳар гектар ердан 32 ўрнига 35 центнердан ҳосил кўтариш, йиллик планни 20 октябргача бажаришга ахд қилганлар.

Ҳозир бу звеноларнинг яхши ривожланиб кўсаклаётган ғўзалари орасидан бирор туп бегона ўт тополмайсиз. Звено аъзоларининг сифатли ишлаб, мўл ҳосил учун курашаётганлари шундоқ кўриниб турипти. Сувчилардан Жўравой Дадабоев, Бобожон Усмоновлар ғўзаларни бир меёрда қондириб суғормоқдалар.

— Юбилей йилида бизнинг звено аъзолари 30 ўрнига 32 центнердан ҳосил кўтариш, пахта ҳосилдорлигини икки центнердан ошириш учун ваъда беришган,— деди қўшни Карл Маркс номли колхознинг звено бошлиғи Абдурасул Иномов.

Бу звено аъзолари ҳам айни кунларда ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этиш учун агротехника тадбирларини изчиллик билан амалга оширмоқдалар. Пайкаллар бегона ўтдан тоза. Ғўзаларнинг кун сайин бўйига-бўй ҳосилига-ҳосил қўшилмоқда. Звено аъзолари ғўзани қондириб суғориш, чеканка қилишни намунали ўтказмоқдалар. Бу ишларни амалга оширишда Муборак Убаева, Арофат Суннатова, Кабира Чахалова сингари колхозчилар айниқса яхши ишламоқдалар.

Бу колхозларда Пардақул Умматқулов, Худойберди Умматов, Абдирасул Иномов, сингари пешқадам звенолар кўп. Уларнинг ҳаммаси юбилейни меҳнатда катта совғалар билан кутиб олишмоқчи.

Ҳ. СУЛАЙМОНОВ, С. РАҲИМОВ.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети галла ўриш, давлатга дон топшириш ва уруғлик фонди жамғариш бўйича республика областлари ва районлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1967 йил июль ойи учинчи ўн кунлиги якунларини кўриб чиқдилар.

Республика кўчма Қизил байроғи кейинги ўн кунликда юқори кўрсаткичларга эришган **Самарқанд областига** берилди.

Байроқ Тошкент областидан олиб берилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети Тошкент областининг **Оржоникидзе районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Қирғизбоев**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Қўйшимонов**, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Юнусов**) берилди. Бу район мавсум бошидан буён бошоқли донли экинлар майдонининг 70,1 процентидаги, шу жумладан кейинги ўн кунликда 20,8 процентидаги ҳосилни ўриб олган, давлатга дон сотиш планини 146,3 процент бажарган, шу жумладан кейинги ўн кунликда йиллик планнинг 39,3 процентн миқдорида дон тайёрлаган.

Байроқ Шаҳрисабз районидан олиб берилди.

Галла ўрим-йиғими ва давлатга дон топшириш илғорларини мукофотлаш учун Самарқанд область ижроия комитети ихтиёрига 1500 сўм ва Оржоникидзе район ижроия комитети ихтиёрига 500 сўм пул ажратилди.

* * *

Узбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети галла ўрим-йиғими, уни давлатга топшириш ва уруғлик фондлари жамғариш бўйича районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасида олиб борилаётган социалистик мусобақанинг июль ойи учинчи ўн кунлиги якунларини кўриб чиқдилар. Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Оржоникидзе районида** (район партия комитетининг секретари **Қирғизбоев** район ижроия комитетининг раиси **Қўйшимонов**, район комсомол комитетининг секретари **Муродов** район қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи **Юнусов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **Кан Ги-Ен** ўртоқлар) қолдирилди.

Кўчма Қизил байроқ Оржоникидзе районидаги **«Хўжакент» совхозига** (директори **Аҳмедов**, партия ташкилотининг секретари **Йўлдошев**, ишчилар комитетининг раиси **Абдурасулев**, бош агрономи **Шорасулов**, бош инженери **Рихситиллаев** ўртоқлар) берилди. Байроқ Юқори Чирчиқ районидаги «Паркент» совхозидан олиб берилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Оржоникидзе районидаги **Жданов номли колхозга** (раиси **Абдуҳалилов**, партия ташкилотининг секретари **Дусейнов**, бош агрономи **Алиев**, механизация бўйича раис ўринбосари **Султонов** ўртоқлар) берилди. Байроқ шу райондаги Фрунзе номли колхозидан олиб берилди.

* * *

Область партия комитети ва область ижроия комитети давлатга сабзавот ва картошка сотиш юзасидан районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасида олиб борилаётган социалистик мусобақанинг июль ойи иккинчи ярми якунларини кўриб чиқдилар. Кўчма Қизил байроқ **Оржоникидзе районига** (район партия комитетининг секретари **Қирғизбоев**, район ижроия комитетининг раиси **Қўйшимонов**, район қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи **Юнусов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **Кан Ги-Ен** ўртоқлар) қолдирилди.

Кўчма Қизил байроқ Оржоникидзе районидаги **«Хўжакент» совхозига** (директори **Аҳмедов**, партия ташкилотининг секретари **Йўлдошев**, ишчилар комитетининг раиси **Абдурасулев**, бош агрономи **Шорасулов**, бош инженери **Рихситиллаев** ўртоқлар) берилди. Байроқ Юқори Чирчиқ районидаги «Паркент» совхозидан олиб берилди.

* * *

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети чорвачиликни ривожлантириш бўйича колхоз ва совхозлар ўртасида олиб борилаётган социалистик мусобақанинг биринчи ярим йиллик якунларини кўриб чиқиб, кўчма Қизил байроқни Калинин районидаги **«Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозига** (раиси **Мирзаев**, партия ташкилотининг секретари **Юсупов**, комплекс чорвачилик бригадасининг бошлиғи **Исматуллаев** ўртоқлар) беришга қарор қилдилар. Байроқ Янгийўл районидаги Ленин номли колхозидан олиб берилди.

Шунингдек, кўчма Қизил байроқ Калинин районидаги **«Қорасув» совхозида** (директори **Додахўжаев**, партия ташкилотининг секретари **Ёқубова**, ишчилар комитетининг раиси **Икромов**, чорвачилик бўйича бошқарувчиси **Жаъфаров** ўртоқлар) қолдирилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитети чорвачиликни ривожлантиришда Оққўрғон районидаги Свердлов номли колхозининг ва Янгийўл районидаги «Олмазор» совхозининг чорвадорлари яхши ишлаётганликларини қайд қилиб ўтдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Калинин районидаги **«Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозига** (раиси **Мирзаев**, партия ташкилотининг секретари **Юсупов**, бош агрономи **Асадов** ўртоқлар) берилди. Байроқ шу райондаги Куйбишев номли колхозидан олиб берилди.

* * *

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети чорвачиликни ривожлантириш бўйича колхоз ва совхозлар ўртасида олиб борилаётган социалистик мусобақанинг биринчи ярим йиллик якунларини кўриб чиқиб, кўчма Қизил байроқни Калинин районидаги **«Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозига** (раиси **Мирзаев**, партия ташкилотининг секретари **Юсупов**, комплекс чорвачилик бригадасининг бошлиғи **Исматуллаев** ўртоқлар) беришга қарор қилдилар. Байроқ Янгийўл районидаги Ленин номли колхозидан олиб берилди.

Шунингдек, кўчма Қизил байроқ Калинин районидаги **«Қорасув» совхозида** (директори **Додахўжаев**, партия ташкилотининг секретари **Ёқубова**, ишчилар комитетининг раиси **Икромов**, чорвачилик бўйича бошқарувчиси **Жаъфаров** ўртоқлар) қолдирилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитети чорвачиликни ривожлантиришда Оққўрғон районидаги Свердлов номли колхозининг ва Янгийўл районидаги «Олмазор» совхозининг чорвадорлари яхши ишлаётганликларини қайд қилиб ўтдилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

1 августда КПСС Марказий Комитетида КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари М. А. Суслов ва КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев Исроил Компартияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг секретари М. Вильнер ҳамда Исроил Компартияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Т. Туби билан учрашдилар.

Иккала партия вакиллари Яқин Шарқдаги аҳвол, халқаро вазият масалалари ҳамда коммунистик ҳаракатнинг бир қанча проблемалари юзасидан фикрлашиб олдилар. Улар муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарашлар батамом мос бўлиб тушганлигини қайд қилдилар.

Учрашув катнашчилари империалистик кучлар, биринчи навбатда АҚШ империализми мададида Исроил ҳукмрон доираларининг араб давлатларига қарши қилган агрессиясини тинчлик ишига қарши, араб халқлари ва Исроил халқининг ҳаётий манфаатларига қарши жиноят деб кораладилар.

Исроил Компартиясининг вакиллари М. Вильнер ва Т. Туби КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг ленинча ташқи сиёсатини, Яқин Шарқда тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга, агрессияга дучор бўлган араб халқларининг однолона ишини ҳимоя қилишга қаратилган изчил қадамларини тўла қувватлаётганликларини билдирдилар. Учрашув катнашчилари босиб олинган территориялардан Исроил қўшинларини 1967 йил 5 июнгача эгаллаб турган позицияларига қайтариш Яқин Шарқдаги можарони шу райондаги барча халқларнинг манфаатларини кўзлаб бартараф этиш йўлидаги дастлабки муҳим шарт, деб ҳисоблайдилар.

КПСС вакиллари АҚШ империализмидан мадад олиб турган Исроил ҳукмрон доираларининг агрессив йўлига изчиллик билан қарши чиқаётган, ўз мамлакатининг чинакам миллий манфаатларини ифода қилаётган Исроил Компартиясининг интернационал сиёсатини тўла қувватлаётганликларини билдирдилар. КПСС вакиллари агрессияга қарши чиқаётган коммунистларга нисбатан Исроил ҳукмрон доираларининг репрессияларини кораладилар.

Иккала партия вакиллари империализмнинг агрессив кирдикорларига қарши барча антиимпериалистик кучларнинг жанговар бирдамлигини мустаҳкамлашни, қаҳрамон Вьетнам халқини ҳимоя қилишни ёқлаб фикр билдирдилар. Улар халқаро коммунистик ҳаракатнинг 1957 ва 1960 йилларидаги Москва кенгашларида ифода этилган бош йўлига ғоят содиқ эканликларини таъкидлаб, янги халқаро кенгашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш зарур деган фикрга келдилар.

Учрашув ўртоқларча самимий вазиятда ўтди.

МОСКВАДА ЎЗБЕКИСТОН КУНЛАРИ

ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ ЯНГРАМОҚДА

МОСКВА, 4 август. (ЎзТАГ махсус мухбири). Москва кўчаларини тўлдириб ўтаётган машиналар орасида ҳозир «Ўзбекистон» деб катта ҳарфлар билан ёзилган автобуслар тез-тез учраб туради. Бу автобусларнинг пассажирлари республикамизнинг маданият ва санъат кунлари қатнашчиларидан иборат. Чиройли миллий кийимлар, дўппилар кўзга ташланади. Артистларимиз, созандаларимиз чеҳрасидаги хандалар хонатлас гулларидан ҳам чиройли, чунки москваликлар билан ҳар сафарга учрашиш уларнинг қувончига қувонч қўшмоқда.

Бораётган машиналарнинг маршрутлари хилма-хил. Лекин кўпинча улар СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасига қатнамоқда. Республиканинг ижодий коллективлари виставканинг очиқ эстрадаларида концерт қўйиб беришди. Бу концертни ўн минглаб москваликлар ва пойтахт меҳмонлари завқланиб томоша қилишди.

Ўзбекистон муваффақиятларини кўрсатиш билан фақат артистларгина шуғулланаётгани йўқ. Делегациямиз аъзоларининг ва олимларнинг лекциялари виставкага келган кишиларни ғоят қизиқтирмоқда.

Республика маданият министри В. И. Зоҳидов «Совет ҳокимияти йиллари мобайнида Ўзбекистон ССР маданиятининг ривожланиши» тўғрисида лекция ўқиди. Бу лекция «Совет маданияти» павильонида ташкил қилинди. Бу павильоннинг кўпгина стендлари Ўзбекистонга бағишланган.

«Физика» павильонига тўпланган кишилар республика фанлар академиясининг президенти О. С. Содиқов билан учрашдилар. Бу учрашувда у илмий муассасаларимизнинг фаолияти ҳақида гапириб берди.

Ҳалқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг марказий павильонида республика «Билим» жамияти правленияси раисининг ўринбосари Қ. Фозилхўжаев «Ўзбекистон — СССР халқларининг аҳил оиласида» деган темада лекция ўқиди. Ўрта Осиё ирригация илмий тадқиқот институтининг директори Ф. Н. Нажимов суғориладиган деҳқончиликнинг ривожланиши тўғрисида ҳикоя қилиб берди. Шу билан бир вақтда виставкада республика тўғрисидаги ҳужжатли фильмлар кўрсатилмоқда.

Биринчи давлат подшипник заводида байрам қатнашчиларини маҳкам қўл бериб кутиб олишди. Корхона раҳбарлари меҳмонларни цехларга олиб кириб, уларга янги автомат ускуналарни кўрсатишди. Маданиятнинг ўринбосари Қ. Фозилхўжаев «Ўзбекистон — СССР халқларининг аҳил оилаларида» деган темада лекция ўқиди. Ўрта Осиё ирригация илмий тадқиқот институтининг директори Ф. Н. Нажимов суғориладиган деҳқончиликнинг ривожланиши тўғрисида ҳикоя қилиб берди. Шу билан бир вақтда виставкада республика тўғрисидаги ҳужжатли фильмлар кўрсатилмоқда.

Биринчи давлат подшипник заводида байрам қатнашчиларини маҳкам қўл бериб кутиб олишди. Корхона раҳбарлари меҳмонларни цехларга олиб кириб, уларга янги автомат ускуналарни кўрсатишди. Маданиятнинг арбоблари билан ўтказилган дўстона суҳбатда завод ишчилари юбилей олди мусобақасидаги ўзларининг муваффақиятларини айтиб беришди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. О. Азимов, Ўзбекистон металлургия заводининг мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Эргашев, республика халқ шоираси Зулфия, шоир Ҳамид Ғулом завод коллективига самимий сўзлар билан мурожаат қилдилар.

Байрам қатнашчилари СССР Госплани ходимлари ҳузурида ҳам меҳмон бўлишди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов ва республика Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. К. Знёдуллаев бошчилигидаги маданият арбобларини СССР Госплани раисининг биринчи ўринбосари В. Я. Исаев, Госплан раисининг ўринбосарлари Н. П. Гусев, А. В. Бачурин, Н. Н. Миротворцев, коллегия аъзоси М. Г. Первухин, бўлим бошлиғи А. С. Павленко, Ўрта Осиё республикалари билан шуғулланувчи кичик бўлим бошлиғи В. Н. Арсеньев қизғин табриклашдилар.

ГЕНЕРАЛ ҚАБРИДАН БИР СИҚИМ ТУПРОҚ

Белоруссияда ўтказилган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасида «Баҳор» давлат халқ рақс ансамбли ҳам қатнашиб, қардошларимизни ўзбек миллий рақслари билан хурсанд этган эди. Тошкентлик санъаткорлар декада кунлари Гродно шаҳрига бориб, ўзбек халқининг асл фарзанди Совет Иттифоқи Қаҳрамони, генерал Собир Раҳимов биринчи марта дафн этилган қабрни бориб зиёрат қилишди, гулчамбарлар қўйишди.

Ансамбль қатнашчилари Улуғ Ватан урушининг ветеранлари билан суҳбатлашишди, афсонавий командирни шахсан таниган кишиларнинг хотираларини тинглашди. Белоруссия гупрогини фашистлардан тозалашда ўзбек ўғлонининг кўрсатган жасорати ва қаҳрамонлиги билан фахрланишди. Генералнинг фронтдаги сўнгги жанговар кунлари ҳақида батафсил маълумотлар тўплаб қайтишди. Тошкентлик санъаткорлар меҳнаткашлар билан, ёшлар ва пионерлар билан бўлган суҳбатларда Собир Раҳимовнинг урушдан аввалги ҳаёти ҳақида, Ўзбекистон меҳнаткашлари ўз қаҳрамон фарзандлари хотирасини қандай сақлаётганликлари ҳақида сўзлаб беришди. Ансамбль қатнашчилари уйга Собир Раҳимов қабридан бир сиқим тупроқ олиб қайтишди.

Биз бу ажойиб совға учун ансамбль раҳбари, Ўзбекистон ССР халқ артисти Гавҳархоним Раҳимовадан ва ансамблнинг ҳамма аъзоларидан беҳад миннатдормиз.

Бу совғани яқин орада Туркистон ҳарбий округининг музейига топширамиз.

Гродно шаҳар кўчаларининг бирини генерал С. Раҳимов номи билан аташга қарор қилинди.

Ансамбль санъаткорлари декаданинг бошқа қатнашчилари билан бирга белорус тупроғини озод қилишда ўз жонини аямаган ўзбек шоири Султон Жўранинг қабрини ҳам бориб кўришди.

С. ОХУНЖОНОВ.
Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссарининг ўринбосари.

Тошкент консерва заводининг илғор ишчиси Оля Жданова Октябрь 50 йиллиги вахтасида туриб ишламоқда. Бу ерда ўн хилдан ортиқ компот ва томатлар ишлаб чиқарилиб, республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларига кўплаб жўнатилмоқда. Суратда: О. Жданова тайёр маҳсулотларни кўздан кечиряпти.

А. Тўраев фотоси.

ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

КПСС Марказий Комитетининг тезислари — оммага!

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги ҳақидаги Тезисларида коммунизм қуриш — Октябрь революцияси улуғ ишининг давоми ва ривожи эканлиги кенг ва атрофлича чуқур баён этиб берилган.

Марксизм-ленинизм таълим берадики, социализм қонуниятли равишда ўсиб, коммунизм жамиятга ўтади. Инсониятнинг олий орзуси бўлган коммунизм марксча-ленинча партиялар раҳбарлик қилаётган меҳнаткашлар оммасининг ижодий меҳнати натижасида қурилади.

Бундан 100 йилдан ортиқ вақт илгари пролетариатнинг буюк доҳилари К. Маркс ва Ф. Энгельс коммунизмнинг биринчи программ ҳужжати — Коммунистик партия Манифестида ижтимоий ривожланиш қонунларини очиб бердилар, ишчилар синфининг тарихий роли илмий жиҳатдан асослаб, пролетариат диктатураси пролетар революциясининг ғалабаси натижасида ўрнатилиши лозимлигини башорат қилдилар.

Маркс ва Энгельснинг буюк хизматлари яна шундан иборатки, улар жамиятни революцион тарзда ўзгартиришга даъват қилиш билан бирга, капитализмдан коммунизмга ўтиш йўлларини ҳам кўрсатиб, коммунистик жамиятнинг асосий хусусиятлари ва принципларини чизиб бердилар. Карл Маркс ўзининг «Гота программасини танқид» асарида коммунистик жамиятнинг икки фазаси тўғрисидаги геннал таълимотни илгари сурди. Коммунистик жамиятнинг ҳар икки фазасига хос асосий принципларини кўрсатиб бериш билан бирга, социализмнинг астасекин қонуний равишда коммунизмга ўсиб ўтишлигини таъкидлади. Бу таълимот В. И. Ленин томонидан империализм даврида янада ривожлантирилди.

Марксизм-ленинизм классикларининг коммунизм тўғрисидаги буюк таълимоти КПСС съездлари ва партия Программасида янада ривожлантирилди. Партия XXII съездида қабул қилинган янги Программада мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг асосий йўналишлари: коммунизм моддий-техника базасини вужудга келтириш, коммунистик ижтимоий муносабатларни шакллантириш, янги кишини тарбиялаш вазифалари белгилаб берилди. Халқимиз ва партиямиз ҳаётида КПСС Марказий Комитетининг 1964 йил октябрь ва ноябрь, 1965 йилги март ва сентябрь Пленумлари ҳамда КПСС XXIII съезди катта воқеа бўлди.

Социалистик меҳнатнинг буюк афзалликлари мамлакатимиз да коммунистик жамият қуришни муваффақиятли амалга ошириш учун барча имкониятлар яратиб бермоқда. СССРда 1929—1966 йилларда саноат ишлаб чиқаришнинг ўртача йиллик ўсиши 11.1 процентни ташкил этди. Шу йиллар ичида бу кўрсаткич АҚШда 4,0 процент, Англия ва Франциядa 2,5 процентга ўсди, холос. Саноат маҳсулоти 1913 йилдагига нисбатан 1966 йилда 66 баравар, шу жумладан, машинасозлик ва металл ишлаш саноати маҳсулоти 538 баравар, химия саноати маҳсулоти 294 баравар, пўлат ишлаб чиқариш 22.5 баравар, электр энергияси ҳосил қилиш 267 баравар, цемент ишлаб чиқариш 45 баравага кўпайди. СССР Марказий статистика ахборотининг маълумотига кўра, 1967 йилги Давлат планининг биринчи ярим йиллик топшириқлари ҳам муддатидан илгари ортиғи билан бажарилди. Айниқса, планлаштиришнинг янги системасига ўтган ва иқтисодий рағбатлантириш асосида иш олиб бораётган саноат корхоналари катта ютуқларни қўлга киритмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги Тезисларида коммунизм моддий-техника базасини вужудга келтириш учун курашда ривожланган кишлоқ хўжалиги ҳам катта роль ўйнашлигини таъкидланган. Социалистик индустриянинг эўр муваффақиятлари қишлоқ хўжалигига хозирги замон машиналарини етказиб бериш имкониятини бермоқда. 1966 йилнинг охирига келиб кишлоқ хўжалигимиздаги тракторлар парки 1 миллион 660 минг донадон ошиб кетди. Шуни айтиш керакки, 1967 йилнинг ярим йили ичидагина қишлоқ хўжалигига 139 минг трактор берилди. Ҳолбуки 1923 йили мамлакатимиз заводлари эшигидан икки трактор чиқарилган эди.

Социалистик саноат ва қишлоқ хўжалигининг жуда тез ривожланиб бориши натижасида совет халқи моддий фаровонлиги ва маданиятининг юксалиши учун ҳам мустаҳкам база яратилди. Саноат ва қурилишда ишчиларнинг қилган даромадлари 1966 йилда 1913 йилга нисбатан 6,6 баравар, деҳқонларнинг реал даромадлари ҳар бир ишловчи ҳисобига 8,5 баравар кўпайди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқимизни қулай ва шинам уйлар билан таъминлаш соҳасида ҳам катта ишлар олиб бормоқда. Ҳар йили совет гражданларидан 10—11 миллиони янги уйларга кўчиб кирмоқдалар. Октябрнинг 50 йиллигига қадар эса икки кун дам олиладиган беш кунлик иш ҳафтасига ўтиш асосан тугалланади. Бу тадбир совет кишиларига дам олиш билан бирга ўз билим савияларини янада ошириш учун ҳам кенгроқ имконият беради.

Коммунистик ижтимоий муносабатларни шакллантириш йўлида партия амалга ошираётган буюк ишлардан бири синфий тафовутларни тугатиш, синфсиз коммунистик жамият қуришдан иборатдир. КПСС Марказий Комитетининг Тезисларида совет жамиятининг ижтимоий структураси меҳнаткашларнинг ўз синфлари ва группалари мавжудлиги билан, уларнинг иқтисодий, социал, сиёсий ва ғоявий манфаатларининг бирлиги билан, коммунизм қурилишидан умумий манфаатликлари билан характерланади, дейилади.

Бизнинг мамлакатимизда ишчилар синфи етакчи куч бўлиб келди ва бундан кейин ҳам худди шундай бўлиб қолади. Ишчилар синфининг энг содиқ иттифоқчиси бўлган деҳқонлар коммунистик жамият қуришда актив кураш олиб бормоқдалар. Партиямиз ва давлатимизнинг қишлоқ меҳнаткашлари тўғрисида қилаётган ғамхўрликлари туфайли шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутлар астасекин йўқолиб бормоқда.

Коммунистик жамият қурилиши жараёнида миллатлар ва элатларнинг тенглик, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари ривожланмоқда. Бу муносабатлар социал тараққиётни тезлаштирувчи қудратли кучлардир. Иттифоқдош республикаларда ишлаб чиқарувчи кучлар жадал суръатлар билан ўсмоқда. Коммунистик қурилиш жараёнида уларнинг иқтисодий алоқалари ҳар томонлама ривожланмоқда. Кейинги тўрт йил ичида Совет Ўзбекистони пахта етиштиришда бундан олдинги тўрт йилдагига нисбатан 1 миллион 821 минг тонна кўп пахта сотди. Пахта ҳосилдорлиги 25 центнердан ошиб кетди. Социалистик саноатнинг тармоқлари эса республикамизда 100 дан ошиқдир. Ўзбекистон жуда кўп мамлакатларга ўз саноат маҳсулотларини етказиб берувчи республикага айланди.

КПСС Марказий Комитетининг Тезисларида кўрсатилганидек, социализм миллий маданиятларнинг равнак топиши ва бир-бирини бойитиш учун ҳамма шарт-шароитларни вужудга келтирди. Ҳар бир миллий маданият ўзининг энг яхши миллий хусусиятлари ва традицияларини сақлаб ва ривожлантириб, эскириб қолган формаларни бартараф этмоқда, бошқа миллатлар маданиятларининг ютуқларидан ижодий тарзда фойдаланмоқда. Коммунизм қурилиши жараёнида ҳар бир миллатнинг маданияти умуминсоний маданиятни вужудга келтиришда муносиб ҳисса қўшади.

Марксизм-ленинизм таълим беради, коммунистик қурилиш жараёнида социалистик давлатчилик ва демократия янада ривожланиб, такомиллашиб боради. Буни шундан ҳам кўришимиз мумкинки, бизнинг мамлакатимизда пролетариат диктатураси давлати социализм тўла ва узил-кесил ғалабаси натижасида бутун совет халқининг сиёсий ташкилоти бўлиб қолди. Умумхалқ Совет давлати социалистик давлатчиликнинг коммунистик ўз-ўзини бошқариш сари янада ривожланишидир.

Коммунистик жамият қуришда коммунизм мактаби бўлган касаба союзларнинг роли ҳам тобора ортиб бормоқда. 80 миллиондан ортиқ ишчи ва хизматчиларни бирлаштирган совет касаба союзлари коммунизмнинг улуғвор ишларини амалга ошириш соҳасида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Коммунизм қурилишида совет комсомол ёшларининг ҳам роли ортиб бормоқда. 23 миллион йигит ва қизларни бирлаштирган совет комсомоли ўз оталарининг йўлидан бориб, Октябрнинг революцион традицияларини давом эттирмоқда.

Меҳнаткашларни юксак коммунистик онглилик руҳида тарбиялаш, дейилади Тезисларда, коммунизмга ўтишнинг энг муҳим шартидир. Коммунистик партия идеология ишида Ленининг онгли меҳнат ва ижтимоий фаолият бўлмаса, коммунистик тарбия йўқ ва бўлиши мумкин эмас, деган кўрсатмасига амал қилмоқда. Совет кишиларини коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси асосида тарбиялаш партиямизнинг коммунистик тарбия соҳасида олиб бораётган ишининг асосий мазмунини ташкил этади.

Коммунистик қурилишда эришаётган ажойиб ютуқларимиз империалистларнинг коммунизмга қарши кураш методларини ҳам ўзгартирмоқда. Империализм — кишилар онгидаги ўтмиш сарқитларини янада жонлантиришга уринмоқда. Буржуа идеологиясининг ҳар қандай кўринишларига қарши аёвсиз кураш олиб бориш — партиянинг коммунистик тарбия соҳасидаги муҳим вазифасидир.

Коммунизм биз учун мавҳум идеал эмас. У объектив тарихий заруриятдир. Коммунизм — миллион-миллион меҳнаткашларнинг инсон бахт-саодати йўлида ҳар куни қилаётган жонли фаолиятидир. Мамлакатимизда социализм ва коммунизм қуришнинг ҳамма зафарлари марксча-ленинча таълимот асосида қўлга киритилди. Маркс, Энгельс ва Ленининг назарий мероси партиямизнинг бутун жаҳон коммунистик ҳаракатининг энг катта бойлигидир.

Коммунизм кишилар меҳнати ва ижодий кучи билан, инсон учун, унинг бахти-саодати учун қурилади. Коммунистик тузум, Маркс айтганидек, инсонпарварликнинг тантана қилиши, реал гуманизмнинг тўла ғалабаси бўлади.

Р. НОРЖИГИТОВ,
тарих фанлари кандидати.

ИНСТРУКТОР

ЛАВҲА

Мен райком инструктори Гулчеҳра Инағомовна Алимова билан учрашишдан аввал унинг ҳақида айрим маълумотларни билиб олгандим.

— Ёши ўттиз еттида, 1955 йилдан буён КПСС аъзоси, маълумоти олий, райкомда беш йилдан буён ишлайди, — дейишди менга.

Хонасига кириб борганимда Гулчеҳра Инағомовна справка ёзиб ўтирарди. У ҳақда ҳамиша иши кўп, бекорчилик нималигини билмайди, дейишгани эсимга тушди-ю, бу гап тўғрилигига қаноат ҳосил қилдим. Шу вақт уни бўлим мудири чақириб қолди.

— «Гулистон» колхозига боринг дейишяпти, — деди хонасига қайтиб киргач инструктор. — Узр тутасиз, масала муҳим экан. Партия комитети аъзоларининг колхоз партия ташкилоти ҳаётидаги иштирокини ўрганишим ва умумлаштиришим керак. Хозирок жўнаб кетмасам бўлмайди.

Омадим келмади. Суҳбатимиз бошланмаслан тугаб қолди. Орадан бир неча кун ўтгач, яна уни йўқлаб бордим. Ҳайрият, колхоздан қайтган экан. Иш кўплигига қарамай мен билан узоқ суҳбатлашиб ўтирди. Умуман партия иши, райком инструкторининг вазифалари, бурчи хусусида гап кетди.

— Назаримда ишнинг ҳар қанақаси ҳам ижодий, — деб қолди гап орасида Гулчеҳра Инағомовна. — Партия ишининг ҳам ўз санъати бўлади. Бу, ташкилотчилик ва одамлар билан ишлай билиш санъатидир.

Инструктор Алимова билан яқиндан таниша борганим сайин мен унинг ўз ишини қанчалик севиши, бурчини сидқидилдан бажаришини билиб олдим. Гулчеҳранинг ташкилотчилик тажрибаларида ўзига хос томонларни тўплашга ҳаракат қилиб кўрдим. Бундай ўзига хос томонлар унда етарли эди.

Райком бюросида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ҳақидаги масала муҳокама қилиналиган бўлиб қолди. Ҳамма инструкторлар жойларга аҳволни ўрганишга боришди. Алимова бир группа мутахассислар билан ўзига бириктирилган хўжаликларни текширди. «Ленинобод» колхозига ўтиш олдидан ўзи билан бирга шу хўжаликдан келган бир шикоятни ҳам ола кетди. Шикоятда колхоз агрохимия лабораториясининг мудири, ёш мутахассис йигит «теласида қора булут пайдо бўлгани», раҳбарлар Совет қонунини бузиб, унга «кун бермаётганлари»ни батафсил баён қилган эди. Бу ташвишли хабар Гулчеҳра хаёлларини нуқул чалкаштириб юборган. Таниш одамлар ҳақида бундан аввал кўп билиб, ўрганиб, чиқарган хулосаларини йўққа чиқариб юбораётгандай туюларди.

Колхозга келган замони у хат эгаси билан учрашди. У билан бирга ишлайдиган одамларни топиб гаплашди. Суҳбатдан маълум бўлдики, йигит ёш бўлгани учун хўжаликнинг участкаларидан бирига агроном қилиб ўтказишни лозим кўришган. Лекин ёш мутахассис беташвиш ишидан айрилгиси келмаган. Райком инструктори у билан узоқ ҳамсуҳбат бўлиб, ноҳақлигини тушунтирди. Совет қонуни бузилмаганлигини айтди.

Йигит ўзига яраша ўжар экан, бўш келмади.

— Ҳамиша бошлиқлар ҳақ-у, бизлар ноҳақмиз, қондангиз ўзи шундай, — деб кесатди.

— Сиз шундай деб ўйлайсизми? Қани, бошлиқларсиз мажлис қилиб кўрайликчи, ўз ўртоқларингиз нима дейишаркин?

Мажлис жуда яхши ўтди. Мутахассислар бирин-кетин сўзга чиқиб, ҳалиги йигитнинг хатосини юзига айтишди. Қийинчиликлардан қўрқиб, осойишта жойлан кетгиси йўқ, дейишди. Шу куни шикоят ёзган йигит ўртоқларидан яхшигина данки еб, сабоқ олди. Мажлис аҳли ҳам мамнун эди. Улар шикоятни райком инструктори келиб эринмай ўргангани, ҳал қилувчи овозни ўзлари берганлари учун мамнун эдилар.

Гулчеҳра бу колхоздаги ишини битириб, Паркентга ўтди. Комиссия аъзолари хўжаликда кадрлардан қандай фойдаланилаётганлигини ҳар томонлама текширишди. Энди ўтириб райком бюроси муҳокамасига қўйиладиган масалага справка ёзиши мумкин эди. Бундай қараганда мутахассисларнинг сони, маълумоти, иш стажи — ҳаммаси ҳақида маълумотлар бор. Лекин нимагадир ҳеч ёзолмади, нимадир етишмаётгандек туюлди.

У бўлим мудири Х. Мирзакаримовнинг хонасига ўтди.

— Мени Паркентга жўнатсангиз...

— Яна нима гап, кечагина келдингиз-ку?

— Нуқул камчиликларни тўплашга маҳлиё бўлиб кетдик. Бу соҳада яхши ишлаётган партия комитетининг тажрибаларини умумлаштириб, бюрода ибрат қилиб кўрсатсак, фойдадан ҳоли бўлмас.

Мудирга ҳам бу таклиф маъқул тушди. Гулчеҳра Инағомовна яна йўлга отланди.

... Райком бюросига масалалар тайёрлаш, шикоят ва аризаларни текшириш, қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилиб бориш сингари қатор масалалар борки, инструкторлар улар билан ҳар куни шуғулланадилар. Гулчеҳра Инағомовна бу ишларга етарли вақт топади. Ҳар бир топшириқни вақтида қўнгилдагидек қилиб бажаришга интилади. Райкомнинг партиявий-ташкилий ишлар бўлими инструктори сифатида унга «Ленинский путь», «Ўзбекистон» колхозлари, район ветеринария шифохонаси, 47-мактаб, ишлаб чиқариш бошқармаси, Бордонқўл кишлоқ Совети ва 6-механизациялашган колонна бириктириб қўйилган. Ана шу жойлардаги партия ташкилотларида мингга яқин коммунист бор. Ҳамма партия ташкилотларига бориб, коммунистлар билан учрашиш, суҳбатлашишга вақт топиш қийин, албатта. Лекин инструктор имконияти даражасида бу ташкилотларга тез-тез бориб туради, секретарларга ишда ёрдам беришга ҳаракат қилади.

Ўтган йили Гулчеҳра Инағомовна колхозлардан бирига бориб, партия ташкилоти ҳисобот-сайлов мажлисида иштирок этди. У бутун мажлис давомида чурқ этмай ўтирди, сўзга ҳам чиқмади. Орадан анча вақт ўтгач, яна ўша хўжаликка бориб партия ташкилотининг секретаридан ҳисобот-сайлов йиғилишида коммунистлар томонидан айтилган фикр-мулоҳазалар ёзилган ҳужжатни сўради. Танқидий мулоҳазаларга қандай муносабатда бўлинаётганлиги билан қизиқди. Маълум бўлишича, бу соҳада ишлар қониқарли бормаётган экан. Шунда у партия бюроси секретари билан анча суҳбатлашди, ҳужжатларни қандай расмийлаштириш, мажлис қарорларида, протоколларда баён қилинган таклиф ва мулоҳазаларни бажариш учун нималар қилиш кераклигини ўргатди.

— Ҳамма партия ташкилотларига оир ўлчов қуниб бўлмайди, — дейди инструктор, — ҳар бир ташкилотнинг ўзига хос хусусияти бўлади.

Мен унинг иш планидаги айрим пунктларни келтириб ўтмоқчиман. Мана улар:

«Гулистон» колхози партия комитетининг цех партия ташкилотларига раҳбарлик практикасини ўрганиш.

КПСС Марказий Комитети март (1965) Пленуми қарорларини бажариш соҳасида «Ленинобод» колхози коммунистларининг иш тажрибаларини умумлаштириш.

«Коммуна» колхози партия комитетининг аҳоли ўртасида тарбиявий иш олиб бориш тажрибаси.

Булар — инструктор бир квартал ичида қиладиган ишларининг айримлари, холос. Ҳали орада йўл-йўлакай қанчадан-қанча турли ишлар чиқади. Г. Алимова ҳаммасини қилиб улгуради.

Инструкторнинг ўзи бу ҳақда қандай фикрда? Бу саволни мен биргина Гулчеҳра Инағомовнага эмас, райкомда у билан бирга ишлаётган бошқа инструкторларга ҳам бердим. Жавоблари бир хил эди.

— Ишимиз қизиқарли, ижодий, мароқли, — дейишди улар. Бунга яна қўшимча қилиб айтиш мумкинки, райком инструкторининг иши қийин, фахрли ва масъулиятлидир. Гулчеҳра Инағомовна Алимова ана шу қийин ишни шараф билан бажармоқда.

С. МУСАХЎЖАЕВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.
Юқори Чирчиқ райони.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

СЕНТЯБРГА ШАЙ

Ўйлингиз тушиб, йўлдош шаҳарча — Сергелига бориб қолсангиз 35-мактабга бир кириб ўтинг. Мактабнинг ўзига хос тарихи бор. Педагогика коллективи яқинда унинг 40 йиллик юбилейини кенг нишонлади.

Мактаб замонавий типовой усулда қурилган. Мактаб ошхонасида 1000 ўқувчи бир йўла овқатланиши мумкин. Айниқса, спорт ишлари кишини қувонтиради. Ҳар бири 300 кишига мўлжалланган 2 та спорт залида ўқувчилар машқ бажарадилар. Тажрибали ўқитувчилардан Н. Бошкарев, Ж. Азимов, Х. Исроиловлар ўқувчиларнинг севимли мураббийларига айланишган.

— Яқинда, — деб ҳикоя қилади мактаб директори Ю. Семятицкий, — муносиб совға олдик. Янги Тошкентни бунёд этиш учун келган азамат қурувчилар бизни хушнуд этишди. Кардош украиналиклар қўлигул бинокорлар ўн хонали қўшимча бино ва спорт майдончасини қуриб фойдаланишга топширдилар.

Мактаб янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди.

И. ЎРИНБОЕВ.

ОҲАНГАРОНДА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). Оҳангаронда яқиндагина қуриб битказилган бу ҳашаматли бино янги олий ўқув юрти ихтиёрига берилди. Бинога кираверишда «Тошкент область Давлат педагогика институти» деган ёзувни ўқийсиз.

Барча олий ўқув юртлари қаторидаги бу институтда ҳам биринчи сентябрдан ўқишлар ушшқолик билан бошлаб юборилади. Бунинг учун ҳамма қулайликлар муҳайё қилинди.

Янги институтнинг истиқболи қандай? Бу ерда лекциялар қайси тилларда олиб борилади? Қанча студент қабул қилинади?

— Аввало, институтга қабул қилинадиган студентлар ҳақида икки оғиз сўз, — дейди олий ўқув юртининг ректори доцент Х. Саидов. — Илм даргоҳига умумий конкурс асосида 250 студент қабул қилинади. Аслида эса ўқиш истагини билдирган мингга яқин йигит-қиздан ариза тушди. Улар орасида республикамизнинг турли областлари ва ҳатто қардош Қозоғистондан келган ёшлар ҳам бор. Кириш имтиҳонлари бошланиб кетди. Кўпчилик мактабда пухта билим олганлигини намойиш қилмоқда.

Янги ўқув йилида институтда 5 та кафедра иш олиб боради. Булар: ўзбек тили, математика, марксизм-ленинизм асослари кафедраларидир. Улар ўқитувчилар билан тўла таъминланди. Ўқитувчилар орасида профессор ва доцентлар ҳам бор.

Олий ўқув юртига малакали ўқитувчи кадрларни жалб этишда Тошкентдаги педагогика институтлари яқиндан ёрдам бердилар. Профессор-ўқитувчилар уй-жой билан таъминланди.

Ҳозир институтда машғулотлар олиб бориш учун ҳамма қулайликлар бор. 12 та аудитория, 4 та лаборатория ва бир неча фан кабинетлари бўлажак педагоглар ихтиёрига бериб қўйилади. Бундан ташқари 4 та магнитофон ва 2 та киноаппарат сотиб олинди.

Бу техника жиҳозлари чет тилларни пухта ўрганишда жуда қўл келади. Немис ва инглиз тиллари бўйича машғулотлар олиб бориш учун алоҳида кабинетлар ажратилди. Замонавий техника воситалари билан жиҳозланган овоз тарқатувчи хона ҳам ишга тушди. Овоз эшитгичлар ҳам етарли миқдорда.

Келгусида институт сақни тағин ҳам кенгаяди. Шу беш йилликнинг охирига келиб бу ер чинакам студентлар шаҳарчасига айланади. Янги корпуслар қурилиб, бинолар ансамбли бунёд бўлади. Натижада институт студентлари сони 1200 кишига етади.

Ҳозир янги олий ўқув юрти коллективи энг масъулиятли дамларни бошидан кечирмоқда. Институтда биринчи ўқув йилини ҳартомонлама пухта нутиб олиш учун керакли ҳамма тадбирлар амалга оширилляпти.

Биринчи сентябрь тонготарида институт бўйлаб кўнгирок овози жаранглаб эшитилади. Бўлажак педагоглар фан чўққиларини эгаллашга киришадилар.

Сиз ҳамшаҳарларимизга дилижон уйлар ҳадя этаётган жонкуярларни кўриб турибсиз. Улар ижодий меҳнат қилаётган Тошкент уйсозлик комбинатининг иккинчи навбати яқинда ўзининг дастлабки маҳсулотини берди. Энди комбинат қуввати йилига ярим миллион квадрат метр уй-жой майдони қуришга етади. Янги завод Франциянинг «Камо и Ко» фирмаси билан ҳамкорликда ярим йил ичида қурилди. Унинг бош корпуси 25 минг квадрат метр майдонни ишғол этади. Маҳсулоти 9 ва 4 қаватли биноларга мўлжалланган бўлиб, тўққиз балли зилзилага бардош беради.

И. Душкин фотоси.

ДАЛАДАН—ДЎКОНГА

Улуғ Ватанимизнинг 50 йиллик тўйини муносиб тўёна билан кутиб олиш учун социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарган коллективлар орасида сабзавоткорлар ҳам, уни тайёрлаб эл дастурхонига тортиқ қилаётган тайёрлов ходимлари ҳам астойдил меҳнат қилишмоқда.

Сабзавоткорларнинг юбилей йилидаги олиқжанобларини «Тошплодоовошчторг» магазинларидаги, колхоз бозорларидаги ширин-шакар меваларидан, жуда кўп ассортиментдаги сабзавот ва картошка маҳсулотларининг мўл-кўллигидан яққол кўриш мумкин. Колхоз-совхозларнинг далаларидаги деҳқон меҳнатининг меваси ўзини кўз-кўзлаб турибди. Хилма-хил сабзавотлар, қовунтарвузлар, ажойиб ранги ҳамда шираси билан сизни ўзига мафтун этадиган шафтоли, олмалар, қўйингчи ёзнинг ҳамма ноз-неъматлари пишиб етилган.

Ана шу маҳсулотларни аҳоли дастурхонига етказиб беришда ўрток Машурян бошчилик қилаётган «Тошплодоовошчторг»нинг 35 та тайёрлов пункти шуғулланяпти. Бу пункт ходимлари колхоз-совхозларда айниқса, маҳсулот кўп етиштирилган юбилей йилида янги системада ишлашаяпти. Улар ҳар қандай маҳсулотни даланинг ўзидан тайёрлаб, магазин орқали харидорга етказиб беришаяпти. Илгари даладан машинага ортилар, ундан кейин тайёрлов пункти омборига келтириб, савдо тармоқлари олиб кетгунча бир неча кун сақланар эди. Бу ҳол кўпинча маҳсулот сифатининг бузилишига, харидорларнинг эътирозига сабаб бўлар эди.

Энди маҳсулотлар эрталаб пайкалдан йиғиштирилган бўлса, орадан 2 соат ўтар-ўтмас магазинларга келтирилади. Тошкент шаҳрининг ўзида шу кунларда 500 га яқин магазин ва павильонларда сабзавот сотиш йўлга қўйилган.

Пайкалнинг ўзида маҳсулот тайёрлаб, истеъмолчиларга етказиб бераётган намунали пунктлар орасида Юнусободдаги 11-тайёрлов базасининг азамат ходимлари самарали ишлашди.

Улар ўз ҳамкасблари орасида биринчи бўлиб 1771 тонна ўрнига 1800 тоннадан ошириб сабзавот тайёрлаб маррага етиб келишди. Шунингдек, пункт ходимлари 64 тонна ўрнига 80 тонна бодринг, 17 тонна ўрнига 55 тонна сабзи, шу кунгача тайёрланиши лозим бўлган 117 тонна ўрнига 200 тонна помидор тайёрлашди.

Бу йил тайёрлов пунктининг ходимлари 1300 тонна картошка тайёрлаб савдо тармоқларига, боғча, ясли, жамоат овқатланадиган муассасаларга етказиб беришлари керак. Шу картошканинг 700 тоннаси эртаги, қолгани эса кечки картошкадан тайёрланиши планлаштирилган эди. Июль ойининг охиригача 300 тонна эртаги картошка тайёрлаш лозим бўлса, улар шу кунгача 750 тонна тайёрлаб, унинг 700 тоннасини реализация қилдилар.

Илгари эртаги картошка тамом бўлгач, ўртаги ва кечки картошка гишиб етилгунча шаҳар аҳолисининг бу маҳсулотга бўлган талабини қондиришда бирмунча камчиликлар содир бўлар эди. Эндиликда бу ҳолга ҳам чек қўйилади. Эртаги картошканинг бир қисми бозаларда сақланади ва аҳоли талабига қараб савдо тармоқларига чиқарилади. Бу пункт ходимлари 200 тонна картошкани ана шу мақсад учун сақлашга жой тайёрлашди. Шу кунгача 60 тонна картошка ана шу мақсад учун қолдирилди.

Албатта, бу ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ. Халқимизда «қарс икки қўлдан чиқади» деган ҳикматли гап бор. Буларда ҳам худди шунга амал қилиняпти. База ходимлари колхоз раҳбарлари билан яқиндан алоқада бўлишаяпти. «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозининг правлениеси пункт ихтиёрига 4 та машина берган. Шоферлардан Абдураҳим Йўлдошев, Адҳам Усмонов, Мурод Абдуазимовлар ҳар куни колхоз даласидан савдо тармоқларига 3—4 мартадан қатнаб, магазинларга 15—20 тоннадан маҳсулот ташиб келтиришмоқда. Пунктнинг Қудрат Солиев, Эргаш Қурбонов, Мадина Мўминова, Қудрат Муҳиддинов каби азамат ишчиларига ҳам балли! Улар ҳам ўз коллективларининг юбилей йилида қўлга киритган дастлабки ютуғларига муносиб улиш қўшдилар.

Пункт ходимлари мавсум охиригача яна минг тонна сабзавот тайёрлаш мажбуриятини олишди.

Бу коллективнинг меҳнати «Тошплодоовошчторг» маъмурияти томонидан ҳам муносиб тақдирланди. Илғор тайёрлов пунктларини мукофотлаш учун биринчи марта таъсис этилган кўчма Қизил байроқ маррага биринчи етиб келган Носир Эрматов бошлиқ ана шу коллективга берилди.

А. МИРЗААҲМЕДОВ.



Узоқ сафарларни кўзлаб.
Н. Ключнев фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

МАМЛАКАТЛАР ВА ҚИТЪАЛАРДА

МАЪЛУМОТЛАР МАҚОЛАЛАР ВОҚЕАЛАР

ВДР ОСМОНИДА УРИБ ТУШИРИЛДИ

ХАНОЙ. (ТАСС). Вьетнам Халқ армиясининг ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қисмлари Хатинь вилоятининг территорияси устида Американинг 1 самолётни уриб туширдилар.

Вьетнам информация агентлигининг хабар беришича, Вьетнам Демократик Республикаси территорияси устида уриб туширилган Америка самолётларининг умумий сони 2142 тага етди.

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМ ВАТАНПАРВАРЛАРИНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ

ХАНОЙ, (ТАСС). Жанубий Вьетнам озодлик армиясининг Танан-Колон районида ҳаракат қилувчи жанчилари 17 ва 18 июлда Вамкотэй дарёсида Американинг юк кемаларини чўктирдилар ва бошқа 5 та кемага шикаст етказдилар, деб хабар беради Вьетнам информация агентлиги.

Жанубий Вьетнам ватанпарварлари кемаларди 100 дан ортиқ душман солдати ва офицерини ўлдирдилар ва ярадор қилдилар.

«ЮМАНИТЕ» ЎЗ БАЙРАМИГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

ПАРИЖ. (ТАСС). «Юманите» газетасининг традицион байрамида қардош коммунистик ва ишчи партияларининг 40 та газетаси қатнашади. Байрам сентябрь ойида Париж яқинидаги Венсен ўрмонида бўлади. Франция Коммунистик партиясининг марказий органи шулар ҳақида хабар беради.

«Халқаро шаҳарча байрамининг асосий жозибадор марказларидан бири бўлади,— деб ёзади «Юманите». — Ў бирдан-бир ўзига хос шаҳарча бўлади. Планетамиздаги бешта қитъа вакиллари бу ерда ўз стендлари, виставкалари, санъат асарлари билан, бутун дунё меҳнаткашларининг самимий дўстлиги, турли мамлакатлар коммунистлари ва уларнинг дўстларининг Франция Коммунистик партиясига қардошларча ҳурмати билан учрашадилар».

«Байрамнинг энг асосий темаларидан бири бўлган Улуғ Октябрь социалистик революцияси бу ерда минглаб йўсинда намоён бўлади».— деб ёзади газета. Халқаро шаҳарчага кираверишда «Правда» газетасининг катта стенди жойлашади», деб хабар беради «Юманите».

Вьетнам Демократик Республикасида дала ишлари қизғин тус олган. Шу кунларда баҳорги шоли йиғим-терим ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Суратда: Ханой районидаги қишлоқ хўжалиги кооператив аъзоси Винь Нинь шоли ўрмоқда. ВИА—ТАСС фотоси.

АГРЕССОР ЕТКАЗГАН ЗАРАРЛАРИНИ ТЎЛАШИ КЕРАК

ЖЕНЕВА. БМТ иқтисодий ва ижтимоий Кенгашининг сессиясида Совет делегациясининг бошлиғи А. В. Захаров, Исроил араб мамлакатларига етказган зарарларини тўлаши, шунингдек босиб олган мол-мулк ва моддий бойликларни қайтариб бериши керак, деди. Делегация бошлиғи Исроил агрессиясининг иқтисодий оқибатларини туғатиш масаласи юзасидан Совет делегацияси резолюция лойиҳаси киритганлиги муносабати билан сўзлади. Совет вакили Яқин Шарқдаги воқеаларнинг араб мамлакатлари учун жиддий иқтисодий ва ижтимоий оқибатлари борлигини, шунингдек алоқадор эканлигини таъкидлади.

В. Албурий (Ливия) киритган резолюцияси учун Совет Иттифоқига миннатдорчилик билдириб, сессия қатнашчиларини бу резолюцияни маъқуллашга чақирди. Қувайт, Марокаш вакиллари, шунингдек БАР ва Ироқ қузатувчилари Исроил агрессияси туфайли етказилган катта иқтисодий зарарлардан далолат берувчи фактларни келтирдилар.

АҚШ делегати А. Голшмидт Эносос сессия Яқин Шарқдаги аҳвол билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқмаслиги керак, чунки улар «снёсий» масалалар бўлиб, унинг ҳуқуқ доирасига кирмайди, деб даъво қилди. Англия, Бельгия ва Канада делегатлари ҳам айни шундай позицияда бўлдилар.

Чехословакия вакили ва Ироқ қузатувчиси АҚШ ва бошқа Ғарб мамлакатларининг баҳоналари асоссиз эканлигини кўрсатдилар.

Такрор сўз олган А. В. Захаров (СССР) Энососининг «ҳуқуқ доирасига кирмайди», деб айтилаётган баҳонаги танқидга арзимайди, АҚШ ва бошқа баъзи бир мамлакатлар делегацияларининг тутган позицияси эса, сессиянинг бу муҳим ва актуал масалани кўриб чиқишига халақит бермоқда, деди. Зотан Эносос ҳозирги пайтда киритилган резолюция лойиҳаси юзасидан қарор қабул қилишга тайёр эмас экан. Совет делегацияси бу лойиҳанинг овозга қўйилишини талаб қилмайди, деб давом қилди А. В. Захаров.—Айни вақтда, деди у, СССР Исроил агрессиясидан зарар кўрган араб мамлакатларига бундан буён ҳам ёрдам ва мадад бераверади. (ТАСС).

ХИТОЙДАГИ ВОҚЕАЛАР

«Жэньминь жибао» газетаси ва «Хунци» журнали Хитой Халқ озодлик армияси тузилганига яқинда 40 йил тўлишига бағишлаб бош мақолалар босиб чиқардилар.

Улар бу мақолаларда Хитой Халқ Республикасининг раиси Лю Шао-Цига (аввалгидек унинг номи очиқ айтилмайди), Хитой Халқ Республикасининг собиқ мудофаа министри Пэн Дэ-Хуай ва Армия Бош штабининг бошлиғи Ло Жуй-Цинга, шунингдек Пэн Чжэн, Лу Дин-и, Ян Шань-Кунга ва бошқа атоқли партия ва давлат арбобларига қаттиқ ҳужум қилганлар. «Жэньминь жибао» бу сафар Лю Шао-Цини «таслимчи», «Халқ армиясини тугатувчи» деб атаган. Газета Лю Шао-Цин Хитой Халқ Республикаси тузилгунича ва тузилганидан кейин «раис Мао Цзэ-дун йўлига қаршилик кўрсатди», деб ҳам айблайди. «Женьминь жибао» Пэн-Хуай билан Ло Жуй-Цинни Лю Шао-Циннинг «армиядаги агентидир» деб атаб, улар Мао Цзэ-дуннинг сиёсий ва ҳарбий йўлини «ҳаддан ошиб бойкот қилдилар», дейди.

«Жэньминь жибао»даги мақола авторлари «Пэн Дэ-Хуай, Ло Жуй-Цин ва «партияга қарши бошқа мансабпарастларнинг ёвуз ниятли фитнасини тор-мор этишда Мао Цзэ-дун йўлининг жуда катта ғалаба қозонганлиги» тўғрисида ёзадилар. Аммо, Хитойнинг бир қанча районларида Мао Цзэ-дун тарафдорлари билан унинг мухолифлари ўртасида, шу жумладан ҳарбийлар ўртасидаги тўқнашувлар давом этиб турганлиги туфайли рўй берган кескин вазият газетани ҳали олдинда «жуда кескин ва мураккаб» кураш борлигини билвосита тан олишга мажбур этган.

Хитойдаги аҳвол тўғрисида чет эл информация агентликлари берган хабарлар Хитой армиясида Мао Цзэ-дун группасига қарши кучли оппозиция борлигини яна бир бор тасдиқлаган «Ухань воқеалари» тасодифий ҳол эмаслигидан далолат беради. Хитой пойтахтида тарқатилаётган плакатларга қараганда, Ухань Хитойдаги Мао Цзэ-дунга қарши бошқа группа ва ташкилотлардан мадад олиб турибди. Масалан, йирик Наньнин (Жанубий Хитой) шаҳрининг раҳбарлиги Ухань районида Мао Цзэ-дун мухолифларининг ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида резолюция қабул қилганлиги ҳабар қилинади. Ҳунвэйбинлар, цзаофанлар ва ҳарбий хизматчиларнинг яқинда Пекинда бўлиб ўтган намойишларида қатнашувчилар Шарқ-Шимолий Цзилинь вилояти раҳбарлари шаънига дўқ қилиб қичқириб, уларни Ухань ҳарбий округининг «исёнкор қўмондони «Чэнь Цзай-Дао билан «алоқа қилишда» айбладилар. Японияда чиқадиган» Токио симбун» газетаси Мао Цзэ-дун «Уханда-ги кескинликни юмшатмоқчи бўлиб», у ерда турган ҳарбий қисмларга «шаҳардаги аҳволни тартибга солиш юзасидан кўрсатмалар» юборганлигини ёзди. Кўрсатмалар «ғоявий жиҳатдан беқарор ҳарбий қисмларни маоцзэдунчилар томонига жалб қилиш учун «зарур чоралар кўришга» чақиради.

Чет эл информация агентликларининг Хитойдан берган хабарларига кўра, мамлакат жанубининг энг йирик шаҳри Гуанчжоуда «тартибсизликлар» давом этмоқда. Ухань районида маоцзэдунчилар билан уларнинг мухолифлари ўртасида қуролли тўқнашувлар чиқишидан ҳавфсираган «минглаб қочоқлар» Ухандан бу ерга қочиб келмоқдалар, деб ёзилади. Хитойдан келаётган, у ердаги воқеаларни ўз кўзлари билан кўрган кишилар Марказий ва Жанубий Хитойдаги аҳвол тобора гражданлар урушини эслатиб бораётганлигини ҳам айтмоқдалар. Ухань воқеалари бошқа районларга, чунончи Гуанчжоу районига кучли таъсир кўрсатмоқда. У ерда хунвэйбинлар, студентлар, ишчилар ва солдатлар қатнашгани ҳолда қуролли тўқнашувлар рўй бермоқда. Минглаб кишилар ўлдирилган ва ярадор қилинган. Вертолётлар қон тўкиш-ни тўхтатишга чақирувчи варақалар ташламоқда.

Юньнань ва Гуандун вилоятларида озиқ-овқатнинг мутлақо етишмаганлиги сезилмоқда. бир неча уездларда очарчилик бошланди. Оч қолган деҳқонлар озиқ-овқат омборларини таламоқдалар.

3 август, ТАСС.

МЕҲНАТ СЕМЕСТРИ

Университетимизда ўқув семестри тугади. Лекция заллари, аудиториялар, лабораториялар бўшаб қолди. Студентларимиз учун энди меҳнат семестри бошланди. Мана, иккинчи ёздирки, студентлар ўз каникулларини меҳнат жабҳасида ўтказмоқдалар.

Коммунистлар, комсомолларнинг кўпчилиги бу йил ҳам янги Тошкентни бунёд этишда иштирок этишга аҳд қилишди. Бир неча қурувчи-студент бригадалари тузганмиз. Физика, шарқ, химия, филология ва тарих факультетларининг талабалари, 6-трест коллективи билан бирга янги уй-жойлар тиклашмоқда. Тошкент қурилишларида мингдан ортиқ студент меҳнат қилмоқда. Улар орасида ғишт терувчилар, сувоқчилар, бетон қорувчилар бор.

Партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари студентларнинг меҳнат семестрига раҳбарлик қилиш, улар ўртасида оммавий-тарбиявий ишлар олиб бориш учун қатор тадбирларни белгилаб олдилар. Университет комсомол комитетида тузилган махсус штаб ҳамма факультетлардаги штаблар билан биргаликда студентлар орасида катта иш олиб бормоқда.

Бу йил комсомоллардан зарбдор отрядлар тузилди. Зарбдорлар республиканинг турли жойларига бориб ишламоқдалар. Тошкент денгизи яқинида қурилаётган пионер лагерларида 67, Кўкороллда 150 студент самарали меҳнат қилмоқда. Ёшларимиз кичкинтойларни тарбия қилишга ҳам ҳисса қўшмоқдалар. Бу йил ёз бўйи 300 дан ортиқ киши пионер лагерларида вожатий бўлиб ишлайди. Улар бир йўла ўзларининг тарбиячилик маҳоратларини ҳам оширадилар.

Бепоён далаларда ёз ноз-неъматлари ғарқ пишди. Шу долзарб кунларда азамат деҳқонларимиз ёрдамга муҳтож. Студентлар қишлоқ меҳнаткашлари етиштирган мўл-кўл мева ва сабзавот ҳосилини нобуд қилмай вақтида йиғиб-териб олиш ва шаҳар аҳолисига етказиб беришда деҳқонларга мададкор бўлмоқдалар. «Халқобод» комбинатида юздан ортиқ студент енг шимариб меҳнат қилмоқда.

Ректорат, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари университет студентлари билан доимо алоқада бўлиб улар аҳволидан хабар олиб турибди. Студентларимиз самарали меҳнатдан сўнг кўнгилли дам олишлари учун Бурчмуллада махсус лагерь ташкил қилинди. Бу лагерда ҳар сменада 100 студент дам олади.

Партия Марказий Комитетининг июнь Пленумининг қарорлари ва «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги» Тезисларидан илҳомланган университет профессор-ўқитувчилар состави, студентлар ва хизматчилар янги ўқув йилига тайёргарликни ҳам жадаллаштириб юборишди. Бу йил студентларимиз янги совға оладилар. Юбилейгача олий ўқув юртлари шаҳарчасида янги факультет қуриб битказилади.

Студентлар ўз каникулларини ишчилар, деҳқонлар билан бир сафда туриб, меҳнат фронтида ўтказишга сўз бериб, юксак ватанпарварлик намунасини кўрсатдилар. Улар зиляладан жароҳатланган Тошкентда қад кўтараётган муҳташам биноларда, далаларда бунёд этилаётган мўл-кўлчиликда, оз бўлсада, ўз ҳиссалари борлигидан беҳад ҳурсанддирлар.

А. АБДУСАМАТОВ,
В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети партия комитетининг секретари, доцент.

ТОШКЕНТДА ҲАЛҚАРО СЕМИНАР

3 августда Тошкентда гўза касалликларига қарши кураш юзасидан халқаро семинар очилди. Семинар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти томонидан чақирилган.

Семинар қатнашчилари — Афғонистон, Бирма, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Сурия, Судан, Туркия ва Эфиопия вакиллари бугун Ўзбекистон олимларининг дастлабки лекцияларини тингладилар.

Чет эл мамлакатларининг мутахассислари совет олимларининг гўзанинг бактериал, замбуруғли ва вирус касалликларига қарши курашда эришган муваффақиятлари билан танишадилар. Далаларда амалий машғулотлар ўтказилади. Турли илмий-тадқиқот институтлари, ўсимликларни сақлаш зонал станцияларига бориш кўзда тутилган. Семинар қатнашчилари Мирзачўлда, Фарғона водисида, Тошкент, Самарқанд областларида бўладилар.

БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик масалалари билан шуғулланувчи ташкилотининг вакили — семинар директори Жорж Берг бундай деди: «Бу семинарни сизда ўтказиш имкониятини берган мамлакатингиздан мамнунмиз, семинарнинг муваффақиятли ишлашига умидимиз катта».

Семинар 29 августгача давом этади. (ЎзТАГ).

„КОММУНИЗМ“ ҚИШЛОҒИДА

Шўх оқар Чирчиқ дарёси соҳилида «Коммунизм» участкаси бор. Бундан ўн беш йиллар чамаси илгари қишлоқнинг кўп қисми қамишзор ва ботқоқликлардан иборат ташландиқ ерлар эди. Эндиликда бўлса бу томонларга сайр қилиб келган кишилар гуркираб яшнаётган боғларни, ҳашаматли турар-жой ва жамоат биноларини кўриб ҳурсанд бўлишади. Қисқа давр ичида файзли, обод қишлоқни бунёд этган азамат пахтакорларга, мирзиқор лубкорларга балли дейишади.

Биз «Коммунизм» участкасига борганимизда шу участка партия ташкилотининг секретари, Бордажўл қишлоқ Советининг депутати Ўртоқ Сотиболди Пирматов билан суҳбатлашиб қолдик. У бизга кейинги йилларда ободончилик соҳасида амалга оширилган ишлар ва бундан кейинги режалар тўғрисида сўзлаб берди.

— Бундан етти-саккиз йил илгари собиқ «Коммунизм» колхози областимизнинг машъал хўжалиги «Политотдел» колхозига бирлаштирилди-ю ишимиз юришиб кетди. Негаки, бу хўжаликда ишнинг кўзини биладиган, пахтачилик, лубкорлик соҳасида бой тажриба орттирган кадрлар кўп эди. Бу ерда меҳнат ўз қадрини топарди. Моддий рағбатлантириш яхши йўлга қўйилган эди. Деҳқонларнинг тўқ ва маданий ҳаёт кечиришлари учун доимо ғамхўрлик қилиб келинарди. Бирлашганимиздан кейин,— сўзида давом этди Ўртоқ Пирматов,— «Коммунизм» участкасини ҳам илғор хўжаликка тенглаштириб олиш учун катта эътибор берилди. Аввало илгарилари пахтадан ҳам, лубдан ҳам кам ҳосил олиниб келинаётган ерларни унумдор ерларга айлантириш учун кураш бошланди. Участка етарли ишчи кучлари, қудратли техника воситалари билан тўла таъминланди. Кишиларда ҳалол меҳнатга чинакам муҳаббат уйғотиш мақсадида уларнинг ўз меҳнатларидан моддий манфаатдорликлари оширилди. Агар биргина ўтган йилнинг ўзида қўлга киритган ютуқларимизга бундоқ назар ташлаб чиқсангиз мен демоқчи бўлган фикрларимни дарров пайқаб оласиз.

Ўртоқ Пирматов ўтган йили 303 гектар ернинг ҳар гектаридан 33,4 ўрнига 39 центнердан пахта, 360 гектар ернинг ҳар гектаридан 161 ўрнига 212 центнердан канап олинганлиги ҳақида сўзлар экан, биз унинг ҳам участка деҳқонларининг баракали меҳнат қилиб унумли хирмон кўтариб ўз бойликларини ишончи ҳосил қилди.

Мана, ана шу ҳалол меҳнатнинг самаралари гуллаётган қишлоқ қиёфасида кўзга ташланиб турибди. Илгари участкада саксон хўжалик яшар эди. Ҳозир-чи, беш баробар кўпайган. Уларнинг тўқсон процанти янги типда қурилган уйларда истиқомат қилишади. Шу йилнинг ўзида яна тўқсон хўжалик ана шундай данғиллама уйларга кўчиб киришади. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, иморат қураётган деҳқонларга колхоз правлениеси ва қишлоқ Совети ҳар тарафлама ёрдам бериб келяпти.

Чиндан ҳам қишлоқ аҳолисининг моддий ва маданий турмуш даражаси йил сайин фаровонлашиб бормоқда. Қишлоқ ёнпасига электрлаштирилган. Ҳар уч хонадоннинг бирида телевизор бор. Радиоприёмникдан қўшиқ садолари янграмаган хонадон йўқ деса бўлади. Бир қатор колхозчи оиласи ўзининг енгил машинаси ва мотоциклига эга. Қишлоқ марказида 400 га яқин ўқувчига мўлжалланган мактаб, алоқа бўлими, медицина пункти, клуб аҳолига намунали хизмат қилмоқда.

— Биз шундан мамнунмизки,— дейди суҳбатда қишлоқ Советининг депутати Ўртоқ Пирматов,— ободончилик ишларини жамоатчилик асосида олиб бораяпмиз. Бунда айниқса қишлоқ Советимизнинг депутатларидан Нафиса Муҳамедова, Асан Ўтегеков Ўртоқлар ўзларининг ташаббуслари билан бошқаларга намуна кўрсатишиб кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлишяпти.

Ўртоқ Пирматов бизга бу йилги режалар тўғрисида ҳам сўзлаб берди. Унинг айтишига қараганда бу йил 300 хонадонга водопровод келтирилади. 100 хонадон «зангори олов»дан баҳраманд бўлади. Ўн километр масофадаги йўлга асфальт ётқизилади.

«Политотдел» колхозининг «Коммунизм» участкаси пахтакорлари ва лубкорлари ҳам жонажон Совет ҳокиматининг 50 йиллиги юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун далаларда астойдил меҳнат қилмоқдалар. Улар бу йил 329 гектар ернинг ҳар гектаридан 39 центнердан пахта, 334 гектар ернинг ҳар гектаридан 200 центнердан «кўк олтин» етиштириш шиорини ўртага ташлаганлар. Далаларда иш қизғин, ғўзалар ўз вақтида озиқлантирилиб, ҳаёт сувига қондирилмоқда. Вақтида қатор ораларига ишлов берилмоқда. Ниҳоллар дурдин ва соғлом ривожланиб гуркираб яшнаяпти. Денгиздай чайқалиб турган лубзорлар деҳқонларнинг ҳалол меҳнатидан, келгуси мўл ҳосилдан дарак бермоқда.

Гуллаётган қишлоқ аҳлига зафар ёр бўлсин!

И. ХОЛТУРСУНОВ,
«Тошкент ҳақиқати» газетаси мухбирлар постининг аъзоси.

ҚИСҚА САТРЛАР

● «Партия XX съезди» колхози хонадонларига газ кириб келди. Ҳозир 130 дан ортиқ оилада «зангори олов» билан таом пиширилаяпти.

Колхозда 70 ўринли янги болалар боғчаси ҳам кичкинтойларни ўз бағрига олди.

М. ҚУЧҚОРОВА,
Калинин райони.

● **Ўзбекистон трактор йиғув заводининг бир цехи болалар учун «СД» маркали спорттроллерини тайёрлашга киришди. Йил охиригача етти мингта спорттроллер ишлаб чиқариш планлаштирилган.**

С. ТЎЛАЕВ.

● **Қўйлиқда спорт буюмлари билан савдо қиладиган янги магазин иш бошлади. Тўрт хонали бу магазинда турли маркадаги мотоцикл ва велосипедлар, спорт формалари ва тўплар, эҳтиёт қисмларнинг турли хилини сотиб олишингиз мумкин. Шунингдек, бу ерда буюртмалар столи ҳам ишлаб турибди.**

Ў. ИБРОҲИМОВ.

● Яллама қишлоғида бир йўла учта мактаб қад кўтаряпти. Охунбобоев номли колхоз территориясида қурилаётган бу уччала мактаб сентябргача буткул қўлдан чиқади.

Т. ТУҚЛИБОЕВ,
Янгийўл райони.

МУХБИРЛАР МАКТАБИ

«Ленинчи» газетаси редакцияси ҳузурида ишчи-деҳқон мухбирларининг бир йиллик мактаби очилди. Мактабнинг очилиш маросимида район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Ўртоқ М. Умаров Совет ҳокимиятининг 50 йиллик юбилейи арафасида ишчи ва деҳқон мухбирлари олдида турган вазифалар ҳақида гапирди. Сўнгра газета редактори Ўртоқ Ж. Саъдуллаев «Совет матбуоти ва ишчи-қишлоқ мухбирлари ҳаракати тарихидан» темасида лекция ўқиди.

Мактаб машғулотлари ҳар ойда бир марта ўтказиб турилади. Ўқув йили давомида тингловчилар партия-совет матбуоти назарияси ва амалиёти, газета жанрлари тўғрисида лекциялар тинглайдилар, таниқли журналистлар билан учрашадилар.

А. ҚУРБОНОВ,
Калинин райони.

Доҳиймиз В. И. Ленин набиралари.

А. Тўраев фотоэтюди.

ЯНГИ КИНОТЕАТРЛАР

Зилзила натижасида пойтахтимиздаги бир неча кинотеатрларимиз бузилиб кетганди. Юбилей йилида турар-жой бинолари билан бир қаторда бир неча кинотеатрларни ҳам ишга туширишмўлжалланмоқда. Шу кунларда Ҳамза кўчасидаги кенг экранли 800 ўринли кинотеатрда қурилиш ишлари авжида. Бу улкан бино шу атрофдаги биноларга қарагандаэнг каттаси ҳисобланади. Бундан ташқари Оқлон массивида қурилаётган 800 ўринли қишки кинотеатрда бинокорлар жадал суратлар билан ишламоқдалар. Шунингдек, Чимбой, Жарқўрғон кўчаларида ҳам кинотеатр қурилиши планлаштирилган. Бу кинотеатрларда томошабинлар учун барча шароитлар яратиб берилади. Айниқса ёзнинг иссиқ кунларида кенг экранли кинотеатрларда конденцион ҳаво бериб турилади. Ҳарорат 20 даражадан кўтарилмайди. Бундан ташқари концерт зали, газета ва журналлар бурчаклари, буфет ҳам ишлаб туради.

ГЕОЛОГ МИНБАРИ

ЕР ОСТИГА САЁҲАТ

● ЕР НЕЧА ЕШДА? ● МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ГЕОГРАФИК ҚИЁФАСИ ● ЛЁССШУНОСЛИК МАКТАБИНИНГ МАРКАЗИ ● ХАЛҚАРО ГЕОЛОГИК КОНГРЕСС.

Тоғ этакларида, дарё соҳилларида ва кенг текисликларда, бепоён чўл-саҳроларда кўп учрайдиган, оёқ остида ётган, гўё ҳеч кимга керакмасдек туюлган тупроқ, шағал, тош ва қумлар қандай пайдо бўлган? Уларни ўрганиш нима учун даркор?

Бу ва шунга ўхшаш бошқа саволлларга жавоб олмоқчи бўлсак тўртламчи давр геологиясига мурожаат қилишга тўғри келади. Тўртламчи давр геологияси ўз ичига жуда кўп муҳим масалаларни олади.

Биз яшаётган еримизнинг ёши 5 миллиард йилни ташкил қилади. Унинг тарихи жуда ҳам узоқ, мураккаб ва хилма хил ҳодисалар билан тўлиб тошган. Еримизнинг тарихи уни ташкил қилган қатламларда ўз ифодасини топган. Ҳар бир қатлам гўё табиат тарихидан бир саҳифадир.

Бундан 100 йил муқаддам «тўртламчи давр» деган атама пайдо бўлган. Ўшанда ҳосил бўлган тоғ жинслари «тўртламчи давр ётқизиқ»лари деган ном олди. Янги радиоактив метод билан тўртламчи даврнинг ёши 1 миллион йил эканлиги аниқланди. Ер тарихида тўртламчи давр оз вақтни эгаллайди. Шунинг учун аксарият геолог олимлар «шундай қисқа муддат ичида диққатга арзигудек ётқизиқлар ҳосил бўлиши мумкинмас, улар эриктирарли, шундайки бир аҳамиятсиз чўкиндилардир» деб қараган эдилар.

Фақат Октябрь революциясидан кейингина катта қурилишлар кенг қулоч ёзиб, қурилиш материаллари ҳамда хомашё маҳсулотларига эҳтиёж туғилгандан сўнг тўртламчи давр ётқизиқларининг халқ хўжалигидаги аҳамияти ортди. 1932 йилда марҳум академик И. М. Губкин «Бунинг моҳиятини биз ҳанузгача тушунмадик, ҳозирги пайтда ҳам тўртламчи давр ётқизиқларининг халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун аҳамиятини сезмай келмоқдамиз», деб ёзган эди.

Шундай экан, тўртламчи давр ётқизиқларининг фан ва халқ хўжалигида қандай аҳамияти бор? Буларни ўрганишда аввало геоморфология, тупроқшунослик ва геоботаника фанлари манфаатдордир. Чунки, мамлакатимизнинг ҳозирги асосий географик қиёфаси тўртламчи даврда шакланган.

Табиий шароит доим бир хилда турмайди. Ҳавонинг совуб-исиб туриши, музликларнинг озайиши ва қум саҳроларининг кўчмайдиган бўлиб қолиши каби ўзгаришлар рўй беради.

Шу ҳодисалар қисқа вақтлими ёки узоқ давом этадими? Буларни ўрганиш фақат тўртламчи давр билан боғлиқдир. Бу эса социалистик хўжалигимизда ҳозир ва келгусида планли равишда иш олиб боришимизга имкон беради.

Бутун ҳозирги замон ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг энг яқин ўтмишдаги вакиллари ҳам тўртламчи даврга мансубдир. Буларни ўрганмасдан туриб ҳайвонот ва ўсимликларнинг илгари қаерларда бўлгани, қандай қилиб бир қитъадан иккинчисига ўтиб қолгани ҳақидаги масалаларни ҳал қилиш сира мумкин эмас. Бу давр давомида маймунсимон одамнинг ҳозирги пайтдаги ақли расо одамга аста-секин айланиш процесси рўй берди. Одамнинг тарихий эволюцияси (ривожланиши) қандай жараёнда борганлигини ҳам фақат тўртламчи давр ётқизиқлари ва уларнинг ичида топиладиган археологик ёдгорликларни ўрганиш орқалигина билиш мумкин.

Ер юзининг кўп қисми музликлар билан қопланган. Ундан излар қолган. Шу изларга қараб музликларнинг катта-кичиклиги, такрорланиши ҳамда ер қиёфасига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига қандай таъсир этганлиги аниқланади.

Тўртламчи ётқизиқлар деярли ҳамма жойда учрайди. Уларнинг кимёвий ва физик хусусиятлари тупроқнинг у ёки бу характерини белгилайди. Шуларга қараб баъзи бирлари унумли, баъзилари кам ҳосил ёки экин экишга батамом яроқсиз эканлиги аниқланади. Йирик геолог олим В. А. Обручёв 1948 йилда соз тупроқ ҳақида шундай деган эди: «Лёсс ва лёссимон жинслар Ўрта Осиёда кўп тарқалган бўлиб, улар асосий серҳосил тупроқни ташкил қилади ва шу ўлка аҳолисининг тирикчилиги учун асосий манба ҳисобланади». Йирик олим Гумбольдт эса «Ер юзидаги фойдали қазилма конларининг ҳаммасидан қуриш ишга лёсс қатламидан инсоннятга кўпроқ наф тегади», деб ёзган эди. Шунинг учун ҳам тошдан нон пайдо бўлади дейишади.

Қайроққум, Чорвоқ, Каркидон, Туя-бўғиз сув омборларини қуриш; Мирзачўл, Қарши чўлларини ўзлаштириш иши тўртламчи ётқизиқларни муффассал ўрганишни ва схемалар тузишни талаб қилди.

Коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган ҳозирги пайтда ерости сувларига эҳтиёж тобора ошиб бормоқда. Янги ерларни ўзлаштириш учун Ўзбекистонда кенг қўламда гидрогеологик ва инженерлик-геологик текшириш лар олиб борилди. Натижада тўртламчи ётқизиқ қатламларида ерости сув омборлари топилди. Тошкент, Оҳангарон, Олмалиқ, Қўқон, Газли шаҳарлари ва жуда кўп район марказлари ерости сувлари билан таъминланди.

Тўртламчи ётқизиқларни ўрганиш шунинг учун ҳам аҳамиятлидирки, уларнинг таркибида нодир металларнинг сочма ва туғма ковлари учрайди. Бундай металлар (тилла, платина, қалайи, олмос, титан), рудали минераллар (кассетерит, вольфрамит, шеелит, ва ҳоказолар), қимматбаҳо тошлар (ёқут, зумрад, сапфир) запаслари анча каттадир. Айниқса, тўртламчи ётқизиқларнинг улкан гидротехник иншоотлар учун практик аҳамияти катта. Улар ер юзи географияси, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини инсон талаби ва эҳтиёжига қараб ўзгартиришга олиб келади.

Ўзбекистоннинг тўртламчи давр ётқизиқларини ўрганиш асосан Октябрь революциясидан кейин бошланди. Саноатни минерал хомашё билан таъминлаш учун кенг қўламда геологик-қидирув ишлари олиб борилди. Йирик геолог олимлар В. А. Обручёв, А. П. Павлов, О. К. Ланге, Н. П. Васильковский, Ю. А. Скворцов, Г. О. Мавлоновлар бу ишга катта ҳисса қўшдилар. «Гидроингео» институти ва Ўзбекистон ССР Геология министрлиги тўртламчи ётқизиқларни ўрганиш борасида катта илмий ва геологик съёмка ишларини олиб бормоқдалар.

Академик Г. О. Мавлонов Ўрта Осиёнинг лёсс ва лёссимон тоғ жинсларини ҳар тарафлама ўрганиб, назарий ва практик аҳамиятга эга бўлган бир неча проблемаларни ҳал қилди. Чунончи, юз йиллаб ҳал бўлмай келган муаммо —лёсснинг ҳосил бўлиши аниқланди, уларнинг батафсил инженерлик-геологик хоссалари текширилди.

Шундай қилиб, лёссшунослик мактабининг маркази Тошкентга кўчди. 1958 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиуми ҳузурида лёссни текшириш комиссияси ташкил қилинди. Москва, Ленинград, Украина, Ғарбий Сибирь ва Ўрта Осиёнинг ҳамма жойидан диссертация ёқлаш, консультациялар олиш учун лёссшунослар Тошкентга келиб турадилар.

Ҳозир «Гидроингео» институтида махсус тўртламчи давр геологияси лабораторияси ишлаб турибди.

Тошкентда тўртламчи давр геологиясига бағишланган Бутуниттифоқ кенгашлари ҳам бўлиб ўтди. Уларда кўп йиллик текширишларга якун ясалди ва келгусидаги вазифалар белгиланди.

Бироқ, шу билан бирга тўртламчи давр геологиясининг ҳали ҳал қилинмаган, интиҳосига етказилмаган масалалари бор. Кейинги пайтда бу соҳа сустроқ ўрганилаётгани кўзга ташланмоқда. Бу фикр СССР қурғоқ зонаси гидрогеология ва инженерлик-геологиясига бағишланган координацион кенгашда ҳам қайд қилинди.

Келгуси йили Чехословакияда навбатдаги Халқаро геологик конгресс ўтказилади. Конгрессда «Тўртламчи давр геологияси» секцияси ҳам иш олиб боради. Бу катта йиғинда Ўзбек геолог олимлари ҳам актив қатнашадилар.

О. НУРМАТОВ,
Ўзбекистон Гидрогеология тресттининг инженер-геологи.

ГАЗЛИ ЧЎЛЛАРИГА

Шу кунларда Ўзбекистон геофизика трестининг бойлик ахтарувчилари геологик-геофизик қидирув ва текширув ишларини олиб бориш учун бирин-кетин республикамизнинг турли томонларига жўнаб кетмоқдалар.

Яқинда Атҳам Охунжонов бошлиқ геологик группа сафарга отланди. Группа аъзолари Қарши. Бухоро ва Ғазли чўлларида бўлиб шу ерларда парламаланаётган чуқур қудуқларнинг ишлари билан танишадилар ва қудуқлар орқали чиқарилаётган ерости ресурсларидан лаборатория анализлари учун намуналар оладилар.

Қ. ЙЎЛДОШЕВ,
ишчи-мухбир.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ЯСЛИ МУДИРАСИ

Зулфия опа КПСС сафига кириш учун ёзган аризасида «Коммунист деган номни юксакларга кўтараман, эл бахт-саодати йўлида астойдил меҳнат қиламан» деб ёзган эди.

Ўшандан буён орадан 17 йил ўтди. Зулфия Абдураҳмонова ҳақиқатан ҳам коммунист деган номни шараф билан оқлаб келмоқда. Ҳозир у колхозлари яслига мудирлик қилади. Ота-оналарнинг кўнгли тўқ. Зулфия бор экан, болаларимиз бемалол яйраб, тарбияланишади, дейишади улар. Ҳақиқатан ҳам шундай. Зулфия кичкинтойларнинг меҳрибон мураббийси.

У жамоат ишларида ҳам актив қатнашади. Бекобод қишлоқ Советининг депутати сифатида сайловчиларнинг наказларини бажариш йўлида доимо жон куйдиради. Қишлоқ Советининг мажлисларида колхозчи аёлларнинг меҳнатини енгилластириш, ясли боғча ишларини яхшилаш юзасидан қатор таклифларни ўртага ташлади. Бу таклифларнинг амалга ошиши жойларда ясли, боғча хизматининг яхши йўлга қўйилишини таъминлайди.

Тиниб-тинчимас коммунист Зулфия опани гоҳо ота-оналар билан муҳим бир масала устида суҳбатлашаётганда, гоҳо даламадала, звенома-звено кезиб, яслилар иши қандай йўлга қўйилганлигини текшириб юрганда учратасиз. У ўзининг ясли мудираси сифатидаги тажрибасини оммалаштириш, бошқаларга ҳам кўнлдан келганча ёрдам бериш учун ҳаракат қилади.

Бекобод районидаги Навоий номли колхозда Зулфия опага ўхшаш коммунист хотин-қизлар кўп. Сут соғувчи Буражаб Мирзақулова, пилларчи Чирой Ҳаётларова, қишлоқ Советининг раиси Шарофат Умарова, ўқитувчи — агитатор Роза Мақсудовалар шулар жумласидандир. Коммунист хотин-қизлар колхозчилар ўртасида янгилик тарғиботчиси, эскилик сарқитларига қарши аёвсиз курашувчи, элга садоқатли кишилар сифатида ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Х. ОТАҚУЛОВ.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ПЛАЗМА СИРЛАРИ ОЧИЛМОҚДА

Москвадаги юқори температура илмий-текшириш институти ходимлари плазманинг аниқ характеристикасини ўрганмоқдалар.

Улар олган маълумотларга қараганда, плазманинг даражаси қуёш юзасидаги температурага нисбатан уч баравар ортиқдир. Плазма—материянинг тўртинчи ҳолати бўлиб, у фақат жуда ҳам юқори температурадагина намоён бўлади. Шу сабабдан ҳам плазма ҳақидаги назария ва маълумотлар бир-бирига қарши эди. Ана энди бу қарама-қаршиликлар бартараф қилинмоқда. Тадқиқотлар раҳбари 33 йиллик олим Э. Асиновскийнинг фикрича, плазманинг асосий сирлари аниқланди. Яқинда бироз металл ва аргондан иборат бўлган плазманинг электр ўтказиш хоссаси ҳам аниқланди. Плазма иссиқликни электр токига айлантиришда қўлланади. Олинган маълумотларга асосланиб, олим иссиқликни тўғридан-тўғри электр энергиясига айлантирувчи генератор лойиҳасини тузиш мақсадга мувофиқдир деган фикрни билдирди. Плазма параметрлари Цельсий бўйича 17000 градус иссиқлик бера олувчи аппаратларда олиб борилди.

ЯНГИ АВТОБУС

Ликинодаги заводда янги автобус ишлаб чиқилди. 180 от от қувватига эга бўлган янги машинага 110 дан ортиқ пассажир жойлаша олади. Автобус ҳозирги техника қўлга киритган барча ютуқлардан фойдаланиб ишланган. У давлат синовларидан муваффақиятли ўтди. Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги арафасида машина мамлакатимизнинг турли шаҳарларида аҳолига хизмат қила бошлайди.

Ш. ҒУЛОМОВ,
Қ. АҲМЕРОВ,
инженерлар.

УЧУВЧИ

Эл кўкида учувчи посбон,
Қанот ёзиб учар осмонда.
Ў қанотли совет фарзанди,
Учар ҳатто қалин туманда.
Булут кезиб, ошар тезлиги,
Юлдуз томон бўй чўзганида.
Кўкда сузар тинчлик посбони,
Тинчлик бўлсин дейди жаҳонда.
Мен ҳам посбон ерда, лочиндек,
Мен ҳам соқчи она-Ватанга.
Сен осмонни мусаффо тутсанг,
Гард тушмасин дейман чаманга.

С. СОБИРОВ.
солдат.

Редактор ўринбосари
Т. РАСУЛЕВ.

СПАРТАКИАДА БАЙРОҒИ ТУШИРИЛДИ

Кеча юбилей спартакиадаси мусобақаларига якун ясалди. Ғолиблар аниқланди, медаллар эгасини топди.

Бир кун аввал, яъни спартакиаданинг 26-куни спортнинг бокс, сув полоси, енгил атлетика, сузиш, сувга сакраш, мерганлик, теннис, оғир атлетика, қиличбозлик ва шахмат турлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.

Финалга чиққан боксчимиз Б. Ниёзов олтин медаль учун москвалик О. Григорьев билан учрашди. Халқаро мусобақаларда қатнашиб, катта тажриба орттирган, СССР терма командаси составида ажойиб ғалабаларни қўлга киритган О. Григорьев бу сsafар ҳам яхши формада эканлигини кўрсатди. Б. Ниёзов иккинчи ўринда қолиб, кумуш медаль эгаси бўлди. Бу тошкентлик ёш спортчининг катта ютуғидир. Бошқа вазн категорияларида В. Белоусов, Д. Поздняк, А. Изосимовлар ҳам спартакиада чемпиони бўлишди.

Оғир атлетикачилар мусобақаси ҳам жуда кескин ўтди. Ярим оғир вазнли штангачи Ян Тальтс (Эстония) ўз вазн категориясида биринчи бўлиб 500 килограммлик маррани ортда қолдирди. Бу спортчи бир йўла учта жаҳон рекорди авторидир. Ер юзида энг кучли ҳисобланган Леонид Жаботинский ҳам мухлисларни хурсанд этди. У иккита жаҳон рекорди қўйиб, уч курашда 585 килограмм натижа кўрсатди. Ҳали ер юзида бундай оғирликдаги штангани ҳеч ким кўтара олган эмас.

Спартакиаданинг сўнгги кунларида республикамиз спортчилари қандай натижаларга эришдилар? Энг аввало, 400 метрга эстафетали сузишда Н. Устинова, В. Чулюкина, Н. Дергачёва, С. Бабаниналарнинг эришган ютуғини таъкидлаб ўтиш керак. Бу тўрт дугона маррага тўртинчи бўлиб келди ва Ўзбекистон рекордини ўрнатди. 200 метрга баттерфляй усулида сузган С. Ковов ҳам республикамиз рекордлар жадвалига ўзгартиш киритди. Ўзбекистонлик сувга сакровчи хотин-қизлар терма командаси фахрли тўртинчи ўринни эгаллади. Ўзбекистон оғир атлетикачилари ҳам умумкоманда ҳисобида тўртинчи ўринга чиқишди.

Шахматчиларимиз мусобақанинг сўнгги куни Латвия командасига 3:7 ҳисобида ютқазди ва бу мағлубиятдан кейин ўнинчи ўринга тушиб қолди. Енгил атлетикачиларимиз эришган натижалар кишини хурсанд эта олмайди. Айрим турлар бўйича фахрли ўринлар эгалланган бўлса-да, бу ғалабалар умумий юқорироқ ўринни эгаллашга камлик қилди. Қисқа масофага югурувчи Р. Бабич аввалига 14,2 секунд вақт билан финал группага кирди. Финалда 100 метрга тўсиқлардан ошиб югуришда 13,9 секунд натижа кўрсатиб, олтинчи ўринни эгаллади. Герман Кутянин 203 сантиметр баландликдаги планкадан сакраб ўтди ва олтинчи ўринга чиқди.

Трекда мусобақалашган ўзбек велосипедчилари бу сафар ҳам юксак натижалар кўрсатишди. Тўрт километрлик кубиш пойгасида Б. Архипов, М. Колюшев, Г. Шаманаев, Н. Шиловлар умумкоманда ҳисобида учинчи ўринга чиқишди ва бронза медали билан тақдирланишди. Даврани юз марта айланиб чиқишда Б. Архипов кумуш, А. Черноглазов бронза медалини олди.

Спартакиада программаси асосида спортнинг 14 та техник турлари бўйича мусобақалар ҳам бўлди. Бунда 246 очко тўплаган РСФСР командаси СССР Министрлар Советининг кўчма кубоги билан тақдирланди. Иккинчи ўринни олган москваликлар ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма мукофотини олишди. Ўзбекистон вакиллари 143 очко билан 12-ўринда қолишди.

Ўзбекистон спортчилари спартакиаданинг сўнгги куни олдидан 343 очко билан умумий ўнинчи ўринни эгаллаб турган эди. Улар ҳисобида битта олтин, ўн битта кумуш ва ўн битта бронза медали бор.

Юбилей спартакиадасида юзлаб янги номлар пайдо бўлди, янги-янги спорт мастерлари етишиб чиқди, Жаҳон ва Иттифоқ, шунингдек республика рекордлар жадвалига кўплаб ўзгартишлар киритилди.

ФУТБОЛ

Ўтган куни Москвада биринчи даврининг сўнгги учрашуви бўлди. Пойтахт спартакчилари Бокунинг «Нефтяник» командасини қабул қилишди. Ўйин 1:1 ҳисобида тугади.

Иккинчи давра учрашувлари 5 августдан бошланади. «Пахтакор» эса иккинчи даврининг биринчи учрашувини 7 августда ўз майдонида Ереванинг «Арарат» командаси билан ўтказади.



Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳузурида Алишер Навоий номли Давлат адабиёт музейи ташкил этилди. Музей ходимлари ўзбек адабиётига асос солган Алишер Навоийнинг ижодини ўрганишга катта эътибор беришяпти. Жамоатчилик улуғ шоир туғилган кунинг 525 йиллигини кенг кўламда нишонлайди. Суратда сиз адабиёт музейи биноси ва шоирга ўрнатилган ҳайкални кўриб турибсиз.

И. Душкин фотоси.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 10.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 11.00 — **Ёшларимиз соз ўтмоқда** (болалар учун). 11.20 — **Сув ости гўзаллари** (ҳужжатли фильм). 11.30 — **Павел Корчагин** (бадиий фильм).

Рус тилида: 13.10 — **Қўғирчоқ фильм** (болалар учун), 13.50 — Н. В. Гоголь. **Ревизор** (фильм-спектакль).

Ўзбек тилида: 16.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 17.00 — **Болалар учун**, 17.25 — **Телеянгиликлар**, 17.40 — **Телефильм** 18.00 — **Истиқбол эгаллари** («Ёшлик» студияси).

19.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 16.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 17.00 — **Қуруқлиқда ва сувда юз жумбоқ** (телефильм), 17.35— **Адабий эшиттириш**, 18.20 — **Сирларни очувчи фан** (ҳужжатли фильм). 18.50 — **Поляк эстрада артистлари билан учрашув.**

Ўзбек тилида: 19.25 — **Экран куйлари**, 20.25 — **Шоирнинг тақдири** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудиясининг эшиттиришлари.**

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/VIII да **Гавҳари шамчироқ** 6/VIII да **Нодира.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Фантомас — «ДРУЖБА», НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва кеч 10 да).

Фирибгарнинг мартабаси — «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Қирол қайиқчилари — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Тирик нишон — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Қувноқ болалар — Собир РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Айболит-66 — «ЧАЙКА» (кундуз соат 2, 4, кеч 6 ва 8 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8.45 минут ва 10 яримда)

Мартинни чақириқ — «ФЕСТИВАЛЬ».

Абадий календарь — «ХИВА».

Зося — ТЕЛЬМАН номли.

Фантомас — НАВОИЙ номли.

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИ

(ЦУМ)

6 августдан бошлаб

Якшанба кунлари ишламайди

Ҳафтанинг қолган кунларида эрталаб соат 10 дан кеч 9 гача ишлайди.

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ»

павильонлари

(К. Маркс ва Ленин кўчаларидаги)

6 августдан

Якшанба кунлари ишламайди

Умумшаҳар дам олиш куни

Қолган кунларда эрталаб соат 10 дан кеч 8 гача ишлайди.

ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

6—7 августда

Ўзбек Давлат филармониясининг

КОНЦЕРТИ

(2-бўлимдан иборат)

Концертда — **Комилжон БАТРАТОВ, Исҳоқ КАТАЕВ, Ойхон ЕҚУБОВА, Назрулла ЕҚУБОВ, Мунаввар АКРАМОВА, Тамара ЭРМАТОВА, Камтар ОТАБОЕВ,** ва бошқалар қатнашадилар.

Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли жўр бўлади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

7 август кеч соат 7 да СССР биринчилиги учун «Пахтакор» (Тошкент) — «Арарат» (Ереван) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

323-БОЛАЛАР БОҒЧАСИГА

энагалар, ошпазлар, кир ювувчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Герман Лопатин кўчаси, 62-уй (7, 8, 10, 11, 15 трамвайларнинг «Туркмен бозори» тўхташ жойи).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор—В35212, Редактор ўринбосарлари—В35885 В31232. Масъул секретарь—В34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари—В31936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими—В33786. Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлимлари—В35811, Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари—В39050 ҳатлар ва оммавий ишлар бўлими В34048, Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — В38761, эълонлар бўлими — В38142. Коммутатор — В30249 дан В30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 01105. Индекс 64970 А. 1716.